2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 5 (1066), 2024 йил 9 январь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Ҳурматли прокуратура ходимлари!

Муҳтарам фахрийлар!

Аввало, сиз, азиз қонун посбонларини **8 январь — Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни** билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Барчамиз яхши тушунамизки, бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга ошираётган барча ислоҳотларимизда қонун устуворлигини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

**Қонун ҳукмрон бўлган жамиятда албатта адолат, сиёсий-ижтимоий барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва юксалиш бўлади, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланади.**

Бундай муҳим мақсадларга эришишда прокуратура органлари ва ушбу тизимда хизмат қилаётган, ўз касби ва бурчига содиқ, ватанпарвар инсонларнинг роли катта эканини бугун алоҳида таъкидлашимиз ўринлидир.

Қадрли дўстлар!

Сизларга маълумки, сўнгги йилларда прокуратура соҳасини тубдан ислоҳ этиш, бу борада очиқлик ва адолатга асосланган, фуқаролар ва жамият манфаатига хизмат қиладиган, халқпарвар қарорлар қабул қилиш, ўз назарий ва амалий мактабига, фидойи ва профессионал ходимлар корпусига эга бўлган тизимни шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз.

Эл-юртимизнинг Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда, қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда прокуратура органларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, халқ билан очиқ мулоқот қилиш, аҳоли муаммоларини чуқур ўрганиш ва ҳал этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳа ходимларининг энг асосий ва кундалик вазифасига айланди.

Прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориш фаолияти тубдан ўзгартирилди. Илгари қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва жазолашга асосий ўрин берилган бўлса, энди асосий эътибор бундай ҳолатларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилмоқда.

Энг муҳими, прокуратура тизими ҳам, одамларимизнинг унга нисбатан муносабати ҳам ўзгармоқда. Бугунги кунда эл-юртимиз прокуратура тимсолида "жазоловчи идорани" эмас, балки аҳоли ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга кўмаклашадиган, уларнинг дардига шерик, мададкор бўлишга ҳаракат қиладиган халқпарвар тузилмани кўрмоқда.

Буни кейинги етти йилда прокуратура органлари томонидан 2 миллионга яқин мурожаат ижобий ҳал этилиб, 300 мингдан ортиқ фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тиклангани, 148 мингга яқин тадбиркорнинг муаммоларига ечим топилгани ҳам тасдиқлайди.

Кадрлар малакасини ошириш, шунингдек, тергов ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида Бош прокуратура академияси негизида Ўзбекистон Республикаси **Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси** ташкил этилди.

Бугунги кунда **тадбиркорлик ва инвестиция, қурилиш йўналишларида, ер ресурсларидан фойдаланишда қонун бузилишининг олдини олиш, хотин-қизлар ва ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, ёқилғи-энергетика ва экология, маданий мерос ва спорт соҳаларида** қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган самарали прокурор назорати тизими йўлга қўйилди ва ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан ўтган даврда 53 мингдан зиёд ҳуқуқбузарлик ва жиноятга чек қўйилди, давлат ва жамият манфаатларига етказилган 4,7 триллион сўм зарар ундирилди, 15 мингдан ортиқ шахснинг фаолиятига қонуний тус берилиб, уларнинг тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши таъминланди.

Прокуратура ҳузурида Мажбурий ижро бюросининг ташкил этилиши ижро ишини юритиш бўйича мавжуд тартибсизликларга барҳам бериб, қатъий интизом ўрнатишга имкон яратди. Биргина ўтган йил давомида 36 триллион сўмлик суд ҳужжатларининг ижроси таъминланди.

Ҳурматли соҳа ходимлари!

Мамлакатимизда **"Қонун — устувор, жиноятга жазо муқаррар"** деган эзгу тамойил асосида қонунийликни таъминлаш борасидаги ишларимиз ҳал қилувчи босқичга кираётган ҳозирги вақтда ҳар бир прокуратура ходими бир ҳақиқатни чуқур англаб етиши зарур. Қачон одамларимиз ҳаётида хотиржамлик, рўзғорида фаровонлик ва ҳаловат бўлади, қачон уларда эртанги кунга ишонч ортади? Қачонки, юртимизда қонунлар қоғозда эмас, балки амалда қатъий бажарилган, ислоҳотлар ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳаллага кириб, юртдошларимиз уларнинг амалий самарасини ўз кундалик ҳаётида ҳис этган тақдирда бу мақсадга тўла эришиш мумкин.

Халқимизнинг оғирини енгил қилиш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликка қарши курашишга қаратилган дастурларимиз ижросини изчил ташкил этиш, атроф-муҳит, табиий бойликлар ва маданий меросимизни кўз қорачиғидек асраш, тиббиёт, таълим каби соҳалардаги ислоҳотларимизни давом эттириш ва бу борада қонун бузилишига муросасиз бўлиш — прокуратура ходимларининг конституциявий бурчи ва энг асосий вазифасидир. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак. Аминманки, юртимизда **коррупция иллатига қарши курашиш жараёни умумхалқ ҳаракатига айланаётган бугунги кунда прокуратура ходимлари алоҳида жонбозлик кўрсатиб, ўз ташаббуслари билан барчага намуна бўладилар**.

Ана шу мақсадларда прокуратура органлари фаолиятига илғор иш услубларини ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш, қонунлар ижроси устидан назорат механизмларини мунтазам такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва тергов ишига замонавий илм-фан ҳамда амалиёт ютуқларини татбиқ этиш, ходимларнинг билим даражаси ва маънавий-маърифий савиясини ошириш, уларнинг фидокорона меҳнатини муносиб қадрлаш келгусида ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Ишончим комил, прокуратура ходимлари **қонун ҳимояси — бу халқ ва Ватан ҳимояси каби муқаддас бурч** эканини чуқур англаб, зиммаларидаги ғоят масъулиятли ва шарафли вазифани бундан буён ҳам самарали адо этадилар.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга мустаҳкам соғлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш йўлидаги ишларингизда улкан зафарлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# БАНДЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК СОҲАЛАРИДАГИ ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 8 январь куни аҳоли бандлигини ошириш ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартиришга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Расмий статистикага кўра, юртимизда ишсизлар сони 1 миллион 300 минг нафарни ташкил қилади. Бу йил яна 2 миллион 400 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келади.

Шуларни инобатга олиб, сифатли ва юқори даромадли иш ўринлари ҳисобига жорий йилда 5 миллион аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсад қилинган. Жумладан, хизматлар соҳасида 2,5 миллион, қишлоқ хўжалигида 2,1 миллион, инвестиция лойиҳалари ва саноатда 250 минг, қурилишда 140 минг иш жойи яратиш имконияти бор.

Бундан ташқари, замонавий молиявий инструментлар, жумладан, микромолиялашнинг янги тизимини кенг жорий қилиш орқали 2 миллион аҳолини бизнесга жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

Тақдимотда мутасаддилар 2024 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастури бўйича ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари бу дастурни маъқуллаб, уни амалга ошириш юзасидан қўшимча кўрсатмалар берди.

Сўнгги йилларда 2 миллион 400 минг аҳоли ўзини ўзи банд қилгани таъкидланиб, энди уларнинг фаолиятини кенгайтириш, босқичма-босқич кичик бизнесга ўтказиш ва бозор топишига кўмаклашиш муҳимлиги айтилди. "Менинг бизнесим" платформаси, "Бизнесга биринчи қадам" банк карталари жорий этилиши бунинг учун қулайлик яратади.

Иқтисодий айланмага киритилмаган ерларни инфратузилмага улаш, лойиҳаларни ишга тушириш учун ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилди. "Агрегатор" тизими асосида "100 минг экспортчи деҳқон" дастури жорий қилиниб, бу йил 15 минг гектар ер майдонлари аукционга чиқарилиши белгиланди.

Меҳнат стажига эга бўлмаган шахсларни касб-ҳунарга ўқитиш, ижтимоий реестрдаги фуқароларни ишга олган корхоналарга солиқ бўйича енгилликлар қўллаш муҳимлиги ҳам айтиб ўтилди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига янги иш ўринлари яратиш бўйича қўшимча захира ва имкониятларни аниқлаш вазифаси қўйилди.

Тақдимотда тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензиялаш тартибини соддалаштиришга оид таклифлар ҳам кўриб чиқилди.

Маълумки, бу йил юртимизда "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилинди. Бизнесни юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсад қилинган.

Айтиш жоизки, шу пайтгача тадбиркорлардан мавжуд маълумотларни қўшимча равишда талаб қилиш ҳолатлари бор эди. Жорий йилдан бошлаб 34 турдаги ҳисоботлар бекор қилинмоқда. Бунинг натижасида ҳар йили 21 мингдан ортиқ тадбиркорнинг 500 миллион сўм харажати тежалади.

Ўзи, умуман, тадбиркорлар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботларнинг ягона рўйхати тасдиқланмаган. Шу боис, давлатимиз раҳбари ягона ҳисоботлар тизимини жорий қилиш бўйича топшириқ берди.

Шунингдек, тадбиркорларга мажбурий талабларни қисқартириш мақсадида 16 та лицензия ва рухсатномани бекор қилиш лозимлиги белгиланди.

Бу борада берилаётган енгилликларни тадбиркорларга етказиш, уларнинг таклифларини доимий ўрганиб, статистик ҳисоботларни янада мақбуллаштириб бориш вазифаси қўйилди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз прокуратура органларидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, юртимизда қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ибратли фаолияти, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни ошириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

### "Мардлик" ордени билан

**Аминов Шохрух Азаматович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари

**Хамдамов Улуғбек Аслонович** — Фарғона вилояти Қўқон шаҳар прокурори

### "Дўстлик" ордени билан

**Ерниязова Венера Тажетдиновна** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари

### "Жасорат" медали билан

**Абдилазизов Давронбек Махмуджонович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Андижон вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

**Буронов Нурбек Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Самарқанд вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

### "Содиқ хизматлари учун" медали билан

**Болтаев Ҳалим Ҳусанбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

**Муратов Жахонгир Дилшатович** — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани прокурори

**Сайфуллоев Эркин Худоёрович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Навоий вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

**Файзиев Вахоб Камолович** — Бухоро вилояти Когон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

### "Шуҳрат" медали билан

**Абдухакимов Муродулло Тогаевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

**Каримов Хуршид Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси кафедра бошлиғи

**Қодиров Абдумўмин Абдумажит ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Сурхондарё вилояти Шеробод тумани бўлими давлат ижрочиси

**Ташпулатов Хуршид Сабиржанович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бўлими бошлиғи

**Хабилжонов Улуғбек Хабилжон ўғли** — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар прокурори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 8 январь

Янги Ўзбекистон орзуси





# МАҚСАДИМИЗ ҳам, ЙЎЛИМИЗ ҳам АНИҚ

## МАСЪУЛИЯТ ВА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ КЎЗЛАГАН МАРРАМИЗГА ЕТКАЗАДИ

*(Биринчи мақола)*



**Дунёда кечаётган глобал ўзгаришлар, жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида ғоят мураккаб, зиддиятли жараёнларнинг гувоҳи бўляпмиз. Ушбу паллада демократик ривожланишни издан чиқарадиган ва инсоният бирлигига таҳдид соладиган ғоявий йўналишлар вужудга келиши, гегемонликка интилаётган давлатлар манфаати тўқнашуви авж олаётир. Шунингдек, кўп қутбликка асосланган дунёни барпо қилишнинг тобора мураккаблашуви ва яна икки қутбли дунёнинг шакллана бориши таҳдидли ҳолатни вужудга келтиряпти. Айниқса, ёшлар орасида носоғлом диний тушунчаларнинг кучайиб бориши, моддий ва маънавий манфаатлар мувозанати бузилиши, глобаллашув жараёни жамият ҳаётининг барча соҳасига кириб келаётгани ачинарлидир.**

Ҳар қандай сиёсий зиддият, қуролли тўқнашув ва урушлар ижтимоий-иқтисодий йўқотишларга, инсоният тараққиётининг бир неча йиллар ортда қолишига сабабчи бўлган. Уруш натижасида эса халқ камбағаллашади, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш таназзулга юз тутади, бутун бошли авлодлар ва бебаҳо умрлар бой берилади.

*Давоми 3-бетда*

Таҳлил ва таққос

# ЎЗИГА ХОС ЗАНЖИР

## Бунда Ўзбекистон қай даражада иштирок этмоқда?

**Жаҳон банки маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунёда транспорт хизматларининг йиллик айланма ҳажми 4,3 триллион АҚШ долларини ташкил этиб, йилига 110 миллиард тонна юк ва 1 триллиондан зиёд йўловчи ташилмоқда. Тизимда 100 миллиондан зиёд киши иш билан банд. Булар кичкина рақамлар эмас. Аксинча, мазкур тармоқ ривожланиш занжирида ўзига хос ўрин эгаллаётганини англатади.**

Ўзбекистон бу занжирнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Бинобарин, ҳозир Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва бошқа вазифаларни амалга оширишга тўлақонли кўмак бера оладиган транспорт тизимини шакллантиришга интилмоқда.

Транспорт логистикаси самарадорлигини ошириш жуғрофий жиҳатдан ноқулай жойлашган ва энг арзон транспорт тури бўлган денгиз портларига тўғридан-тўғри, ҳатто чегарадош давлатлар орқали ҳам чиқиш имкониятига эга бўлмаган мамлакатимиз учун, айниқса, долзарбдир. Чунки шўролар давлати парчаланганидан кейин денгизга чиқа олмайдиган давлатлар сони 29 тага етди ва Ўзбекистон бу рўйхатда алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимиз дунёдаги океанлардан камида икки давлат ҳудуди билан ажратилган икки давлатдан бири.

*Давоми 4-бетда*

**Шуни фахр билан айта оламанки, Қуролли Кучлар тизимидаги ислоҳотлар сабаб, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори кескин кўтарилди, миллий армиямиз сафидан жой эгаллашга интилиш орзуси кучайди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 9 январь, 5-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

# САРҲАДЛАРИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

**Бектош ОМОНОВ,**
*ҳарбий хизматчи*



**Болалигимдаёқ ҳарбийларнинг шаҳдам қадам ташлашларию чиройли кийимларига ҳавас билан қарардим. Мактабда ўқиган давримизда ҳафтанинг якшанба куни телевизорда “Ватанимга хизмат қиламан” номли кўрсатув намойиш этиларди. Ҳар гал қизиқиб кўрардим. Мана шу кўрсатувлар ҳам мени ҳарбий бўлишга ундаган. Мунтазам спорт билан шуғулландим.**

1999 йили Оқдарё туманидаги 13-умумтаълим мактабини битириб, мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотига ўқишга кирдим. Ҳайдовчилик гувоҳномасини олганимдан сўнг Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилдим. 2003 йили Самарқанд сержантлар тайёрлаш мактабига ўқишга кирдим. Мазкур мактабни муваффақиятли тамомлаб, сержант унвонига сазовор бўлдим. Шундан буён Жиззах вилоятида шартнома асосида хизмат қиляпман. Шу касбни танлаганимдан хурсандман. Аввало, азиз Ватанимиз дахлсизлиги, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда оз бўлса-да, ҳиссам борлигидан фахрланаман. Қолаверса, ҳарбийлик касбим сабаб обрў-эътибор топдим.

Жумладан, 2017 йилда Хитойда ўтказилган “АРМИ — 2017” халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси сафида “Қуролсоз уста” йўналишида қатнашиб, кумуш медаль билан тақдирландим. 2018 йилда эса Россиянинг Пенза шаҳрида бўлиб ўтган халқаро армия ўйинларида учинчи, 2020 йилда эса яна шу шаҳарда ўтказилган навбатдаги мусобақада иккинчи ўринни эгалладим.

2021 йил мен учун омадли келди. Эронда ўтказилган армия ўйинлари мусобақасининг “Қуролсоз уста” йўналишида рекорд натижани қайд этдим. Мусобақада берилган топшириқларни “КАМАЗ” русумли автомашинада 2 дақиқаю 52 сонияда бажариб, кўплаб ҳарбий мутахассисларнинг эътиборига тушдим. Шу йили Фориш полигонида ўтказилган халқаро армия ўйинлари мусобақасида эса “Қуролсоз уста” йўналишида олтин медални қўлга киритибгина қолмай, “Энг илғор артиллерия бўлинмаси ҳайдовчиси” номинацияси бўйича ҳам ғолиб бўлдим. Бу сафар барча топшириқларни 2 дақиқаю 11 сонияда бажардим, ушбу мусобақанинг ўзида иккинчи рекордимни ўрнатдим.



Мана шундай халқаро мусобақалар биз учун ўзига хос маҳорат мактаби ҳам ҳисобланади. Бу беллашувларда юксак ҳарбий салоҳият, билим, мардлик ва жасурлик намуналарини кўрсатиш керак. Қувонарлиси, ҳарбийларимиз халқаро майдонларда ўтказилаётган кўплаб шундай нуфузли ҳарбий-спорт мусобақаларда фахрли ўринларни, салмоқли ютуқларни қўлга киритиб, Ўзбекистон ҳарбийларининг нималарга қодирлигини исботлаб келмоқда.

Бугун нотинч ва таҳликали замонда яшаяпмиз. Турли минтақаларда ўзаро урушлар, низолар рўй бермоқда. Бу эса биздан янада огоҳ ва сергак бўлишни талаб этади. Халқимиз ҳушёр, чин ватанпарвар бўлиб, мустақиллик, тинчлик, осойишталикнинг қадрига етса, юрт манфаатини барча нарсадан устун қўйса, ишонаманки, ташқаридан сарҳадларимизга ҳеч қандай куч дахл қилолмайди. Зеро, замонавий қурол-аслаҳа, техника ва етук ҳарбий мутахассисларга эга армиямиз юртимиз яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигининг ишончли кафолати ҳисобланади.

Ўтган йили Ўзбекистон армияси ҳарбий салоҳият бўйича Марказий Осиёда биринчи, дунё миқёсида эса 62-ўринда қайд этилди. Қувонарлиси, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Шуни фахр билан айта оламанки, Қуролли Кучлар тизимидаги ислоҳотлар сабаб, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори кескин кўтарилди, миллий армиямиз сафидан жой эгаллашга интилиш орзуси кучайди. Бир сўз билан айтганда, армияда хизмат қилиш шон-шараф ишига айланди. Агар собиқ совет даврида ота-оналар фарзандини армияга хавотир билан кузатган бўлса, ҳозир улар фарзандларининг Ватан олдидаги бурчини адо эттиришга хоҳишлари жуда баланд. Бунга, аввало, уларнинг ватанпарварлиги, қолаверса, мамлакатимизда ҳарбийларга бўлган катта эътибор сабаб, дея оламан.

Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётганимга йигирма йилдан ошди. Ватан олдидаги хизматларим давлатимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Президентимизнинг тегишли фармонига биноан, Ватанимизнинг юксак мукофоти — “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирландим. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг “Намунали хизматлари учун” 2- ва 3-даражали кўкрак нишонлари ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 30 йил” эсдалик нишонини олишга мушарраф бўлдим. Ушбу юксак мукофотлар зиммамдаги Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш масъулиятини янада оширди. Бундан кейин ҳам бор кучим, билим ва салоҳиятим билан юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга хизмат қиламан.

*Жиззах вилояти*



**Ҳудудлар ҳаёти**

**Сарвар ТЎРАЕВ,**
*журналист*

**Ёши қарийб тўқсонни қоралаган Исматулла бобо Абдуллаев набираси Шуҳратга яқиндагина туман марказидан сотиб олиб келинган радионинг овозини бир оз баландлатишни буюрди. Аслида, бу қишлоққа яқиндагина электр етиб келгани боис, одамлар эндигина телевизор ва радиодан баҳраманд бўлди. Радиодан Алишер Навоийнинг машҳур классик асари бўлган “аввалгиларға ўхшамас” радифли ғазалига битилган мухаммас асосида яратилган қўшиқ янграйди.**

# ВОЧАХГА ЭЛЕКТР КЕЛДИ, ҚАЛБЛАРГА ЭСА ЁРУҒЛИК

*Котибу давру рақам аввалгиларға ўхшамас,*
*Энди инсон қадри ҳам аввалгиларға ўхшамас.*

Вочахлик Исматулла бобо тенгилар қишлоқларига электр токи келиб, бир бор бўлса-да, хонадонларига, келажаклари ҳақидаги тасаввурларга ёруғлик киришини, невара-чевараларини қувонтиришини истаган бўлса-да, аммо бу ёруғ кунларга етмади.

Юртда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном берилган якунланган йил номига монанд инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада қўллаб-қувватлаш, муаммоларни ечиш ва ижтимоий ислоҳотларда ўзига хос юксалиш йили бўлди.

Сариосиё туманидаги “Шабнам” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Вочах қишлоғи аҳолиси учун ҳам ўтган йил аввалгиларга ҳеч ўхшамайдиган энг хайрли ва қувончли йил бўлди.

Бу манзилга илк бор электр энергияси етиб келди. Замонавий мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ врачлик пункти ва йўл инфратузилмасини яхшилаш ҳақидаги вочахликларнинг мурожаатлари қўллаб-қувватланди.

Туман марказидан 65 километр олисда жойлашган тоғли Вочах қишлоғидаги 25 та хонадонда 120 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Бундан атиги беш йил аввал ҳам Вочахда телевизор ва радио нималигини билмайдиган ёши катталар, компьютерни билмайдиган ёшлар бор эди. Ваҳоланки, қишлоқдан 15-20 километр наридаги қўшни Карш, Зархона ва Маланд қишлоқларига бундан 60-70 йил аввал электр энергияси тортилган. Лекин мураккаб тоғ шароити Вочахга электр тармоғи тортиш имконини бермаганди.



2023 йилнинг май ойидан бошланган ишлар тоғ қояликлари сабаб ҳам қатор мураккабликларни келтириб чиқарди. Тоғда ишлайдиган махсус техникалар ва мутахассислар ёрдамида 100 дона махсус темир устун ва электр тармоғи учун 18 минг метр АС-25 сим ҳамда бир дона 160 кучланишли трансформатор пунктини ўрнатиш ишлари олиб борилди.

Давлат томонидан берилган эътибор ҳамда вочахликларнинг асрий орзулари рўёби йўлидаги бирдамлик сабаб, Каршдан электр тармоғи тортилди.

— Қишлоғимиз тоғ этагида жойлашгани боис, автомашиналар юриши деярли имконсиз. Фақат ёздагина Карш қишлоғи орқали машиналар Вочахга яқинроқ кела олади. Шу сабабли аҳоли Сариосиё тумани марказига чиқиш учун аввал от ва эшаклардан фойдаланади. Қишлоқдан Тўпаланг сув омбори бўйигача икки соат, 15-18 километр юрилади. Сув омборидан қайиқда кечиб ўтилади ва шундан сўнг автомашинада марказга етиб борамиз, — дейди вочахлик Шуҳрат Абдуллаев. — Шу кунгача аёллар кийим дазмоллаш учун ичига чўғ солинган темир дазмолдан фойдаланган. Болаларимиз эса кечалари фонус ва мойчироқ ёруғида дарс қиларди. Энди буларнинг бари тарихда қолди.



Қишлоқ салкам беш юз йиллик тарихга эга. Бу ерда кўҳна масжид, қадамжо, тоғда эса геологлар ўрганишича, қазилма бойликлари бор.

Вочах қишлоғи аҳолиси узоқ йиллар давомида бир хил шароитдаги ҳаётга кўникиб кетганди. 2016 йилдан сўнг очиқлик ва шаффофлик муҳити, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг самарали механизми яратилгани, раҳбарларнинг қуйига тушиб, аҳоли билан сайёр қабуллар ташкил этила бошлаши уларнинг кўнглида ҳам келажакка бўлган умид учқунларини ёқди.

Қишлоқ аҳолиси вилоят ва туман ҳокимликлари, халқ қабулхоналарига мурожаат қилиб, қишлоқни электр билан таъминлашни сўради. Бугун ўша пайтларда имконсиз туйилган бу орзулар амалга ошган.

Вочахда узоқ йиллар давомида мактаб бўлмаган, аллакимларнинг уйида болаларга номигагина сабоқ бериларди. Сариосиё тумани ҳокимлиги томонидан 2004 йилда икки хонали мактаб қуриб берилганди.

Қиш ва баҳори қор-қировли, серёғин келадиган тоғ қишлоғида шундоғам қоронғи ва зах, томидан чакки ўтиб турадиган мактаб биноси тезда абгор ҳолатга келиб қолди. Ота-оналар болаларини мактабга жўнатмай қўйганди. 2023 йилда 40 ўринли замонавий кўринишга эга ва жиҳозлар билан таъминланган мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

— 2023 йил — Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили номига муносиб бўлди. Вочахга электр энергияси етиб келди. Мактаб қуриб берилди. Бу кичик қишлоғимиздаги катта ўзгаришлар. Ҳамқишлоқларимиз телевизор сотиб олиб, мамлакатимиздаги ислоҳотлар билан таниша бошлади, — дейди 46-умумтаълим мактаби директори Хуршид Раҳмонов.

Кейинги йиллар қишлоқнинг қатор муаммоларига ечимлар йили бўлди. Дастлаб 2020 йилда хонадонларга қуёш электр панеллари ҳам ўрнатилганди. Бироқ тоғ қишлоғида куз-баҳор мавсумида қуёшли кунлар кам бўлиши ҳисобига Вочахда бу ташаббус ўзини оқламади. 2021 йилда эса бу ердаги мактабга 11 дона компьютер жамланмаси келтирилди. Аммо электр энергияси йўқлиги сабабли ушбу компьютерлар бирор маротаба ҳам ишлатилмаган ва ўқувчиларга амалий машғулотлар ўтилмаганди. Бугун эса қишлоқ ёшлари компьютердан фойдаланишни тиришқоқлик билан ўзлаштирмоқда.

Вочахликларнинг умумий, бир-бирига ўхшаш эгизак орзулари ҳали талайгина. Аммо қизиғи ва ҳайратланарлиси, дунёдаги энг бахтли ва кўнглида шукронаси лиммо-лим одамлар шу қишлоқда яшайди. Уларнинг самимий ва келажакка бўлган катта ишончларига йўғрилган гурунглари энди ёруғ давраларда шукроналик ҳисси билан қўр олмоқда.

**Янгилик**



# СУВНИ ТЕЖАБ, ҚУЁШ ПАНЕЛИГА ЭГА БЎЛИШ МУМКИН

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамкорликда янги лойиҳани бошлади. Яъни жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, Нукус шаҳрида ичимлик сувидан фойдаланиш бўйича кўп қаватли уйлар ўртасида “Тежамкор уй” ва “Тежамкор хонадон” рейтинг тизими ишга туширилди. Бундан кўзланган асосий мақсад ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ва уни тежашдир.**

Мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг инсон соғлиғига зарарли таъсирини камайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолат сифатини яхшилаш учун қулай шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Сувни тежаш борасидаги ушбу лойиҳа ана шу ишларнинг мантиқий давомидир.

Бинобарин, ҳар қандай табиий ресурснинг ҳам охири бор. Шундай экан, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш бугун ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб.

— Президентимизнинг 2023 йил 31 мартдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан, ушбу тизим дастлаб Нукус шаҳрида ишга туширилмоқда, — дейди танлов ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг бўлим бошлиғи Жалғас Ҳабибуллаев. — Бугунги кунда ушбу танловда Нукус шаҳридаги 21 та кўп қаватли турар жой иштирок этмоқда.

Қайд этганимиздек, кейинги йилларда кузатилаётган глобал иқлим ўзгариши натижасида сувдан тўғри фойдаланиш давр талабига айланмоқда. Шу боис, ҳозирги кунда Нукус шаҳридаги махсус ишчи гуруҳ томонидан танлаб олинган хонадон ва уйлардаги сув ҳисоблагичларни назоратдан ўтказиш жараёни бошлаб юборилди.

“Қорақалпоқ сув таъминот” масъулияти чекланган жамияти Нукус шаҳри бўлими бошлиғи ўринбосари Султон Бегжановнинг айтишича, танлаб олинган кўп қаватли турар жойларда жорий йилнинг 1 январидан бошлаб сув тежамкорлиги бўйича ишлар бошланган. Бунда хонадонларнинг сув ҳисоблагичлари ҳар ойнинг биринчи ва охирги саналарида текширилиб, мониторинг қилиб борилади. Йил якунида ғолиблар аниқланади.

> “ҚОРАҚАЛПОҚ СУВ ТАЪМИНОТ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ НУКУС ШАҲРИ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ ЎРИНБОСАРИ СУЛТОН БЕГЖАНОВНИНГ АЙТИШИЧА, ТАНЛАБ ОЛИНГАН КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙЛАРДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДАН БОШЛАБ СУВ ТЕЖАМКОРЛИГИ БЎЙИЧА ИШЛАР БОШЛАНГАН. БУНДА ХОНАДОНЛАРНИНГ СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАРИ ҲАР ОЙНИНГ БИРИНЧИ ВА ОХИРГИ САНАЛАРИДА ТЕКШИРИЛИБ, МОНИТОРИНГ ҚИЛИБ БОРИЛАДИ. ЙИЛ ЯКУНИДА ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНАДИ.

Рейтинг натижаларига кўра, энг кам сув ишлатган 20 та хонадон ва 20 та кўп қаватли уй рағбатлантирилади. Хусусан, ғолиблар хонадонларига қуёш панеллари ёки уй атрофини ёритиш мосламалари бепул ўрнатиб берилади.

Тобора кучайиб бораётган сув тақчиллиги, аҳоли сонининг ўсиши ҳамда инсон таъсири билан боғлиқ бошқа омиллар туфайли ҳар қандай эзгу ташаббус эътиборли. Тежамкорлик эса ҳеч қачон зиён қилмайди. Бу ҳозирча тажриба. У ўзини оқласа, ташаббус янада кенгайиши мумкин.

**М.ҚУТЛИМУРАТОВ,**
***“Янги Ўзбекистон” мухбири***

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ҳар бир миллат, жамият ва давлатда демократияни англаш, талқин этиш ва амалиётда қўллашда ўзига хослик мавжуд. Бу — халқнинг босиб ўтган тарихий йўли, миллий менталитети, анъаналари, амалдаги ижтимоий муносабатларнинг характери каби қатор омиллар билан белгиланади.



www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

2024 йил 9 январь, 5-сон

Янги Ўзбекистон орзуси



# МАҚСАДИМИЗ ҳам, ЙЎЛИМИЗ ҳам АНИҚ



## МАСЪУЛИЯТ ВА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ КЎЗЛАГАН МАРРАМИЗГА ЕТКАЗАДИ

*(Биринчи мақола)*



**Шукритдин ПАХРУТДИНОВ,**
***сиёсий фанлар доктори, профессор***

**Бошланиши 1-бетда**

Давлатимиз раҳбари 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқида ҳам ушбу масалага тўхталиб, “Илгари ўз мақсад ва манфаатларини, асосан, дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилиб келган дунёдаги қудратли марказлар энди очиқчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Афсуски, бундай кенг кўламли ва ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири Марказий Осиё минтақаси ва унинг таркибий қисми бўлган мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Ана шундай ғоят мураккаб ва таҳликали вазиятда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тўғри йўлни топиш албатта осон бўлмаяпти”, дегани бежиз эмас.

Ҳақиқатан, бугунги мураккаб, манфаатлар, ғоялар ва мафкуралар кураши авжига чиққан, ноаниқлик ҳукм сураётган, ахборот ва технологик кураш жаҳон муаммосига айланиб бораётган бир даврда жамиятда тинчлик ва барқарорликни ушлаб туриш нақадар қийин кечаётганини кўриш мумкин. Бундай вазиятда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини муайян даражада бўлса-да, англаб етиш суръатининг ошиб бориши давлат бошқарувида халқ ҳокимиятини юзага чиқариш, босқичма-босқич ўзини ўзи бошқарув жараёнини амалга оширишга эҳтиёжнинг ортиши, бир сўз билан айтганда, аҳолининг сиёсий фаоллигини таъминлашга хизмат қилади. Бу ўз навбатида, давлат бошқаруви учун жуда катта кўмакдир. Бунинг учун жамиятдаги барча қатлам манфаатини самарали ҳимоя қилиш, зиёлилар сонининг ошиб бораётганини кузатишимиз мумкин. Аммо қарс икки қўлдан чиққанидек, айрим раҳбарларнинг ҳозирги давр ўзига хослигини англаб етмаётгани фуқаролик жамияти қуришдаги катта муаммога сабаб бўлмоқда.

Бундай вазиятда фуқаролик жамияти қуриш талабининг ортиб бориши давлат ташкилотлари ва халқ ўртасида номутаносиб ҳолат юзага келишига олиб келади. Бу эса ҳар бир раҳбардан огоҳлик, ўта ҳушёрлик, аҳолининг турмуш даражасидан тортиб, маънавий ҳолатигача объектив баҳолаш, яхшилаш ва соғломлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўришни талаб қилади. Бу барқарор тараққиётни, миллий хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим шарти эканини унутмаслик керак.

Ўзбекистондаги янгиланиш ва модернизация жараёнининг ҳозирги босқичида фуқаролик жамиятининг мустаҳкам заминини барпо қилишга қаратилган ислоҳотлар кенг кўламда ривожлантирилмоқда. Бу ўринда жамият миқёсида демократиянинг институционал ва ижтимоий-иқтисодий пойдеворини замонавий илм-фан ютуқлари асосида илмий жиҳатдан такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу вазифаларни тизимли ва самарали бажариш, ўз навбатида, инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш, давлат ва жамиятни демократик янгилаш, либераллашув жараёнининг ижтимоий ўзагини мустаҳкамлашга йўғрилган туб ислоҳотларни реал равишда амалга оширишга асосланиши лозим.

Ўтган даврда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳақиқатан инқилобий ўзгаришларга эришилди. Бунинг замирида нима ётибди? Албатта, халқимизнинг амалий ислоҳотларга ишончи ва давлат сиёсатининг миллий манфаатларимизга ҳамда давр талабига мослиги. Тарихан қисқа вақтда мамлакатимизда туб ва жадал демократик ислоҳотларнинг мутлақо янги босқичини белгилаб берувчи, жамият ва давлатни барқарор ривожлантиришнинг узоқ муддатли, амалий стратегиялари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини ўзида тўла акс эттирувчи ушбу стратегиялар замирида йиллар давомида амал қилиб келган “давлат — жамият — инсон” тамойили “инсон — жамият — давлат” тамойили билан ўрин алмашди. Энг муҳими, ислоҳотлар халқнинг турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини, реал ҳаёт ҳақидаги дунёқарашини ўзгартирмоқда.

Энди халқимиз ва давлатимиз олдида турган энг муҳим ва зарур масала 2030 йилгача бўлган даврда аҳоли соғлом турмуш тарзи ва фаровонлиги, бандлигини, сифатли таълим, гендер тенглик, барқарор инфратузилма, хавфсизлик ва экологик барқарорликни таъминлаш, шунингдек, тенгсизликнинг барча кўринишларини қисқартириш, иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашиш каби муҳим мақсад ва вазифаларни амалга оширишдан иборат.

Бу каби устувор мақсад ва вазифалар ижроси йўлида ҳар бир фуқаронинг — у раҳбарми, ходимми, оддий халқ вакилими, масъулият ва дахлдорлик туйғусини самарали шакллантириш долзарб аҳамиятга эга.



### ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ — ИНСОН КАМОЛОТИ УЧУН ИМКОНИЯТ

Ҳар бир миллат, жамият ва давлатда демократияни англаш, талқин этиш ва амалиётда қўллашда ўзига хослик мавжуд. Бу — халқнинг босиб ўтган тарихий йўли, миллий менталитети, анъаналари, амалдаги ижтимоий муносабатларнинг характери каби қатор омиллар билан белгиланади.

Жамиятни демократлаштириш моҳиятан инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун берилган имконият, шахс билан жамият манфаатларидаги уйғунликни таъминловчи омилдир. Жамиятни демократлаштириш мезони тарихий тараққиёт давомида шаклан ва мазмунан бойиб борган. Бу жараён бугун ҳам давом этмоқда. Зеро, жамият ҳаётини демократлаштириш энг ривожланган давлатларда ҳам юқори такомил нуқтасига, идеал даражасига эришгани йўқ.



Ҳар бир давлат тараққиётида муайян стратегик ривожланишнинг демократик изчиллиги мавжуд, у сиёсий тараққиётнинг, ҳаттоки бошқарувда универсал тамойилларни амалга ошириш борасида ҳам ўзига хос шакл ва услубларни юзага келтиради. Хусусан, давлат бошқаруви тизимининг ривожи, ўз аҳамиятига кўра, маъмурий услублардан сифат менежменти томон ўтиш йўналишига эга.

Бироқ демократик ислоҳотларни ижтимоий ҳаётимизга жадал суръатда сингдириш ҳамда амалий натижага эришиш каби муҳим жараёнда айрим соҳалар бўйича вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, маҳаллий вакиллик ва ижро органлари фаолиятининг самараси пастлиги, давр талабига, стратегик тараққиёт талабларига жавоб бермаслиги ёки бошқача қилиб айтганда, нолегитимлиги сақланиб қолмоқда.

Давлат бошқарувининг ижобий самараси жамият тараққиётига хизмат қилса, жамиятда давлат бошқарувига эҳтиёж ва ишонч ортиб бораверади. Бу эса, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминловчи энг асосий шартлардан. Давлат кўзлаган тараққиёт стратегияси барча соҳа раҳбарларининг фаолият мезонларини белгиловчи асосий кўрсаткичга айланса, бошқарув муносиб самарага эга бўлади.

Ижро ҳокимияти тизимида айрим раҳбарларнинг демократик тамойиллар асосида бошқарувни амалга оширишга ўзида куч топа олмаслиги, демократик бошқарув кўникмалари йўқлиги жамиятимиздаги оғриқли нуқта бўлиб қолмоқда. Биргина раҳбар-ходимнинг бошқарувни тўғри англамаслиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, халқнинг бошқарувдаги ролини тан олмаслиги натижасида давлатдаги демократик ислоҳотлар билан номутаносиблик, инсонлар орасида норозилик ва тушунмовчилик кайфияти юзага келиши мумкин.

Демократик бошқарувни амалга ошира олмаган раҳбарда табиий равишда буйруқбозлик, шахсий намуна кўрсата олмаслик ҳолати юзага келади. Бу эса масъулиятсизлик, шахсий ташаббус кўрсатиш, янгиликка интилиш ва креатив ишлашга чўчиш, бу борада нўноқлиги ошкор бўлишидан қўрқиш, ўзига, ўз бошқарувига ишончсизлигининг ортиши, натижада ахлоқ қоидаларига зид, қўполлик, дағаллик билан иш юритишида намоён бўлади. Чорасиз қолган, самарали бошқаришни эплай олмайдиган раҳбарлар ҳақоратни, қўрқитишни ўзига қурол қилиб олгани ҳолда замонавий менежерлик бундай ҳолатлардан холи бўлиши кераклигини англамайди, тушунмайди ва ҳис қилмайди.

Ҳар қандай даражадаги ислоҳот мавжуд тартиб, шарт-шароит, вазият, муайян мувозанатнинг ўзгаришига олиб келади. Бутун жамиятнинг ислоҳ этилиши, яъни унинг нотўғри асосга қурилган, истиқболсиз тизимдан бутунлай янги — ижтимоий бозор муносабатларига асосланган, демократик ва ҳуқуқий жамиятга ўтиши эса жуда мураккаб жараён. Шунга кўра, мазкур ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тушуниб етиши, уларда фаол иштирок этиши учун жамият аъзоларининг онгу тафаккури ҳам ўзгариши лозим. Айнан ўз жамиятида янгиланиш ва модернизация жараёнини эволюцион амалга ошира олган мамлакатларда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва фан-технология соҳаларида интенсив тараққиёт рўй берган.

Бугун мамлакатимизда амалдаги сиёсий партияларнинг фаолияти, мажбурияти, масъулияти деярли сезилмаётгани жамиятнинг уларга нисбатан бефарқлигида кўриниб турибди. Ҳолбуки, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир нутқи, маърузасида, давлат ва жамият тараққиёти учун белгилаб берилаётган стратегик мақсад ва вазифаларда барча соҳалардаги аниқ вазифамиз, эришилиши кутилаётган натижалар рақамларда тўлиқ кўрсатиб берилмоқда.

Фуқаролик жамияти қуришда сиёсий партиялар фаолиятининг ўрни жуда катта. Чунки улар халқ иродасини ифодаловчи, давлат бошқаруви ва фуқаролар ўртасида кўприк вазифасини ўтовчи, халқ орзу-умидларининг давлат бошқаруви, ислоҳотларда ўз ифодасини топишини таъминловчи бўғиндир. Улар халқ иродаси билан сайланади ҳамда халқ манфаати учун ишлайди.

Депутатлар халқ иродаси, хоҳиш-истаги ва танлови билан сайланиши барчага маълум. Сайловга қадар одамлар партия нима, депутат нима иш қилиши ҳақида тахминий маълумотга эга бўлади. Бу эса уларга депутатликка номзод танлаш, сайлашга туртки берса, сайловдан кейин партиядан жамиятдаги муаммоларни бартараф этиш ҳаракатини, сайловдан аввал айтилган, кўплаб муаммолар ечимига қаратилган ишларни кутади. Аммо бу ишларнинг амалга ошмаслиги ёки бошланиб охирига етмаслиги, давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг янги-янги ташаббуслар билан чиқмаслиги, фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигини қўллаб-қувватламаслик, халқ орасидаги энг муҳим масалалар, ичимлик сув, экология билан боғлиқ қатор муаммоларни бартараф этиш бўйича қонуний асоснинг, самарали механизмнинг яратилишидаги, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятининг бир-бирини қўллаб-қувватловчи фаолияти кўринмаётгани каби сабаблар бора-бора сиёсий партия нимага керак, деган саволлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Кузатув ва таҳлилларимизга кўра, охирги йилларда сиёсий партиялар фаолиятида бирмунча позитив ўзгаришлар сезилди. Айниқса, партия етакчилари, баъзи аъзоларида фаоллик намоён бўла бошлади. Уларнинг саъй-ҳаракати, ташаббуси билан қонун ижодкорлигида, ижтимоий ҳаётимизда ижобий ўзгаришлар кузатилди. Албатта, буни эътироф этиш керак. Лекин умуман олганда, назаримизда сиёсий партиялар ҳаракатида ҳали талаб даражасидаги кескин бурилиш, демократик тараққиёт йўлидаги жадаллашув сезилаётгани йўқ. Сиёсий партиялар дастурларининг бирбиридан деярли фарқ қилмаслиги, уларни ҳаётга жорий этишнинг аниқ тактикаси, механизми такомиллашмагани амалиётдаги натижаларда кўриниб қоляпти.

Сиёсий партиялар ўз дастур ва “йўл харита”ларида асосан, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга доир қарашлар билан чекланиб қолмай, жамият аъзоларининг маънавий-мафкуравий тафаккурини оширишга жиддий эътибор қаратиши давр талабидир. Назаримизда сиёсий партияларнинг ўзаро амалий рақобати қуйидаги йўналишларда бўлиши мақсадга мувофиқ:

**биринчидан,** миллий манфаатларимиз асосида давлат ва ҳокимият тараққиётини таъминловчи стратегик мақсадларимизга эришишнинг самарали, амалий тактикаларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилиш.

**Иккинчидан,** стратегик тараққиёт мақсадларини амалга оширишга қодир бўлган кадрларни танлаш, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларига тавсия этиш.

**Учинчидан,** бугунги глобал ўзгаришлар, эврилишлар шароитида сиёсий партиялар ўз стратегик йўналишлари сифатида мафкуравий муносабатларнинг миллий манфаатларга мос моделларини **“Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари”** ғоясидан келиб чиққан ҳолда таклиф этса, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Тўртинчидан,** раҳбарликка лаёқатли, ватанпарвар, садоқатли, қобилиятли, масъулиятли кадрларни танлаб, замонавий профессионал бошқарув бўйича билим ва малакасини ошириш мақсадида Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига тавсия бериш механизмини тизимли равишда амалга ошириш керак.

Бугунги сиёсий партиялар мазкур амалий ҳаракатлар орқали ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнида янги талабларга жавоб берадиган, самарали иш услубини шакллантира олсагина ҳақиқий маънода сиёсий легитимликка эриша олади.



Легитимликнинг сиёсий характери эса фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки, ўзаро манфаатдорлик ва давлат ислоҳотларига хайрихоҳлик, жамият манфаати учун қайғуриш, бағрикенглик ва муросага тайёрлик, сиёсий ҳокимият ва унинг институтларига ишончда намоён бўлади.

### ХАЛҚ ИШОНЧИ ВА УМИДИНИ ОҚЛАШ — АСОСИЙ МЕЗОН

Бугун ҳақли савол туғилади: ислоҳотларнинг эволюцион ривожи нима?

Аввало, барча соҳада эволюцион-тизимли тараққиёт моддий ва маънавий ривожланиш ўртасидаги уйғун мувозанатдир. Агар ўзгаришлар, янгиланишлар инсон онги ҳамда тафаккурини ўзгартира олса, бу чинакам маънода эволюцион ривожланиш жараёни бўлади.

Бугун раҳбар бўлиш оғир, шу билан бирга, шарафли масъулият. Демократик жамиятда бошқарув аста-секинлик билан халқ қўлига ўтмас, давлат бошқарувида халқ раҳбарларни, раҳбарлар халқни қўллаб-қувватламас экан, асл мақсад — мамлакат тинчлиги, халқ фаровонлиги, эртанги кунга ишонч билан яшаш муаммолигича қолаверади.

Назаримизда аҳолининг аксарият қатламида турмуш даражасини моддий жиҳатдан ўзгартиришга интилиш кучайиб бораётган бўлса, иккинчи томондан, маънавий етуклик даражаси пасаймоқда.

Замонавий илм-фан ютуқларининг тараққиётга ҳиссаси ҳам етарли даражада сезилаётгани йўқ. Буни олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ислоҳотларнинг ҳали якунига етмагани ёки таълим-тарбия жараёнини талаб даражасида шакллантиришнинг аниқ самарали йўли мавжуд эмаслиги, бошқарувда ҳали ҳам бюрократик, коррупцион иллатлар мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, бунга давлатимиз раҳбарининг кўплаб прогрессив ғоялари бошқарув тизимидаги қуйи бўғинларга ҳар доим ҳам етиб бормаётгани ёки узилишлар мавжудлиги, топшириқлар ижросини мониторинг қилиш бўйича муайян самарали механизм такомиллашмагани, субъектив факторлар таъсиридан холи тизим йўқлиги, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни бошқараётган айрим раҳбарларнинг мутахассислик бўйича билим ва кўникмаси талаб даражасида эмаслиги кабиларни қўшимча қилса бўлади.

Раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш амалда самарали давлат бошқаруви сиёсатига ҳали тўлақонли хизмат қилмаётгани, рақобатли кадрлар ротацияси жараёнининг муттасил амалга оширилмаётгани каби ҳолатлар ҳамон мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Ваҳоланки, қобилиятсиз, масъулиятсиз, самарасиз раҳбар бошқа жойда яхши бўлиб қолмаслиги каби оғриқли ҳолатлар тизимнинг тўлақонли такомиллашувига тўсқинлик қилаётганини ҳаётий тажрибамизда кўриб, гувоҳи бўляпмиз.

Мутасадди ёш, замонавий билимга эга, компьютер саводхонлиги юқори бўлиши, чет тилини мукаммал билиши мумкин. Лекин ҳаётий тажрибаси-чи, шу соҳанинг муаммолари, икир-чикирларини ҳал қилиш йўлларини тўғри англаб, улар ечими бўйича рационал қарор қабул қилиш ва самарали бошқарув кўникмаларига эгами? Бўлғуси раҳбар амалий ҳаёт мактабини ҳам қайсидир маънода ўтаган, соҳа бўйича ҳам муайян тажрибага, иш жойида ижобий натижага эга ва жамоа томонидан эътироф этилган бўлиши, кадрлар танлови эса тор доирада эмас, кенг доирада шаффоф ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Инсонлар руҳиятини тушунадиган, дардини ўзиники, деб қабул қилиб, уларга малҳам бўла оладиган раҳбарлар фаолияти давомида ижобий натижаларга эришган. Чунки улар доим инсон манфаатини ўзиникидан устун, деб билган. Халқда тарихан исботланган бир нақл бор: “Инсоннинг асл қиёфасини билмоқчи бўлсанг, унга мансаб ёки бойлик бер”. Албатта, ҳамма даврларда ҳам бошқарув кадрларини танлаш, тайёрлаш ва уларни адашмай муносиб жойга тайинлаш осон бўлмаган. Лекин давр талабига мос ечим топилган тақдирда ижобий натижаларга эришилган.

**Ўзбекистон Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббусини қўллаб-қувватламоқда ва унда янада фаол иштирок этишдан манфаатдор. У, аввало, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга, Хитойни жаҳон аҳолисининг 60 фоизи ва ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи тўғри келадиган 65 дан ортиқ мамлакат билан боғлайдиган янги транспорт йўлларини шакллантиришга қаратилган.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz  yuz.uznews  yuz_official  yuz.uz_news  yuz

## Таҳлил ва таққос



**Соҳиб ТОПИЛДИЕВ,**
***иқтисодиёт фанлари доктори***



# ЎЗИГА ХОС ЗАНЖИР

## Бунда Ўзбекистон қай даражада иштирок этмоқда?

**Бошланиши 1-бетда**

Минтақа мамлакатлари темир йўлларининг узунлиги 22 минг километрга тенг. Қозоғистон энг йирик ва энг кўп фойдаланиладиган темир йўллар тизимига эга. Минтақа темир йўлларининг 66 фоизи ва барча юк ташишларнинг 84 фоизи шу мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Ҳудуддаги темир йўлларнинг қарийб 18 фоизи Ўзбекистондан ўтади ва барча ташувларнинг қарийб 11 фоизи юртимиз орқали манзилига етказилади. Туркманистон эса тахминан 12 фоиз минтақавий темир йўлларга эгалик қилади ва барча ташувларнинг 4 фоизини таъминлайди.

Марказий Осиёда ҳозирги ўзаро ишонч ва дўстона муҳит шароитида транспорт лойиҳаларини рўёбга чиқариш бўйича кўплаб ишлар қилинмоқда. Транспорт-транзит салоҳиятини янада ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Транспорт тизимининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, мавжуд тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса минтақада халқаро транспорт йўлакларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

1993 йилда Бельгия пойтахтида Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон иштирокида Брюссель декларацияси қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжат Европадан Қора денгиз, Кавказ, Каспий денгизи орқали Марказий Осиё мамлакатларига чиқиш бўйича транспорт йўлагини ривожлантириш мақсадида ЕИ томонидан молиялаштириладиган ТРАСЕКА техник кўмак бўйича минтақалараро дастурининг амалга оширилишини бошлаб берди.

Марказий Осиё мамлакатларидан Эрон ва Туркия ҳудудлари орқали дунё бозорига чиқиш имконини берадиган янги Трансосиё йўлаги — Тежон — Сарахс — Машҳад темир йўли 1996 йилда иш бошлади.

2016 йил 22 июнь куни Ангрен — Поп темир йўли очилди. Ушбу йўналиш Хитой — Марказий Осиё — Европа темир йўлининг муҳим бўғини сифатида Хитойдан Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларига энг қисқа йўл орқали чиқишни таъминлайди ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шарқ — Ғарб лойиҳаси Хитой ва Европа ўртасида транспорт алоқасини йўлга қўйишга қаратилган. Боку — Тбилиси — Қарс темир йўли ушбу транспорт йўлагининг муҳим бўғинидир. Мазкур лойиҳа Туркия ва Европадан Марказий Осиё мамлакатлари, Хитой ва Эронга мунтазам юк ташишни йўлга қўйишда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон ҳам бу лойиҳада иштирок этишдан манфаатдор. Президентимизнинг 2017 йил 2 декабрдаги “2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Боку — Тбилиси — Ахалкалаки — Қарс темир йўли орқали ташқи савдо юкларининг дастлабки транзит ташувларини амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

2020 йилда ишга тушган Шимол — Жануб транспорт йўлаги Санкт-Петербург бандаргоҳини Эроннинг Бандар Аббос ва Чобаҳор бандаргоҳлари билан боғлади. Ушбу транспорт йўлаги Эрон орқали Форс кўрфази мамлакатларига юк ташиш жараёнини соддалаштиргани туфайли Марказий Осиё учун долзарб аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари ШҲТнинг 2018 йил июнь ойида Циндао шаҳрида бўлиб ўтган саммитида мамлакатимиз Мозори Шариф — Ҳирот, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўл линияларини қуриш, шунингдек, Марказий Осиё — Форс кўрфази, Шимол — Жануб ва Шарқ — Ғарб трансминтақавий йўлакларни ривожлантириш тарафдори эканини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Минтақани ривожлантиришга қаратилган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ўтган йил ноябрь ойида Самарқандда “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу тадбирдаги нутқида ҳозирги кунда минтақавий ҳамкорликни барча муҳим соҳалар бўйича ривожлантириш тенденциялари ҳақида сўзлади ва Марказий Осиё бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди.

Асосий ташаббуслардан бири — Марказий Осиё бўйича БМТ резолюциясини қабул қилиш таклифи халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланди. 2023 йил июнь ойида БМТ Бош Ассамблеяси “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлик” резолюциясини қабул қилди. Резолюцияда транспорт инфратузилмаси ва транзит йўлакларини ривожлантириш, янги автомобиль ва темир йўллар, авиақатновларни очиш орқали барча транспорт турларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббусини қўллаб-қувватламоқда ва унда янада фаол иштирок этишдан манфаатдор. У, аввало, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга, Хитойни жаҳон аҳолисининг 60 фоизи ва ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи тўғри келадиган 65 дан ортиқ мамлакат билан боғлайдиган янги транспорт йўлларини шакллантиришга қаратилган.

Республикамиз ҳудудидан 42 530 километр автойўл, 4500 километр темир йўл ўтади ва юртимизни минтақанинг муҳим транспорт коридорларига улайди. Ўзбекистон учун трансафғон халқаро транспорт коридори орқали Афғонистонга кириш ва Афғонистон орқали Бандар Аббос ва Чобаҳор портларига чиқиш жуда муҳим. Моҳияти йилдан-йилга ортиб бораётган Андижон — Ўш — Саритош — Иркиштом — Қашқар коридори дунё тарихидаги йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади ва Хитойни мамлакатимиз ҳудудидан ўтувчи йўллар орқали бошқа минтақалар билан боғлашга хизмат қилади.

Қирғизистон орқали Хитойдан Ўзбекистонга автотранспорт орқали юк ташиш йўлга қўйилгани транзит давлат сифатида салоҳиятимиз юқорилигидан далолатдир. Бундан фойдаланган ҳолда, Туркманистон орқали Эрон ва Туркияга, Кавказ давлатларига, Божхона иттифоқи давлатлари орқали Европага чиқишимиз мумкин.

Афғонистон билан транспорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда трансафғон йўлаги доирасида янги темир йўллар барпо этиш истиқболда Марказий Осиёнинг энг қисқа йўллар орқали Ҳинд океани ва Форс кўрфазидаги бандаргоҳларга чиқишини таъминлайди, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиёни Европа ҳамда Хитой бозорлари билан боғлайди.

Халқаро транспорт-транзит соҳаси, айниқса, ҳаво транспортида юк ташиш энг кўп фойда келтиради. Мисол учун, Дубай халқаро аэропорти йилига 3 миллион тоннагача юк ўтказиб, 26 миллиард долларга яқин даромад топади. Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бир йилда 1,5 миллион тонна юк ўтказиш қувватига эга логистика маркази ташкил қилиш режалаштириляпти.

Ўзбекистонни хорижий, хусусан, Франкфурт, Милан, Брюссель, Вена, Сарагоса, Осло, Базель, Дубай, Теҳрон, Шанхай каби йирик логистика марказлари билан боғлайдиган Навоий халқаро интермодал логистика маркази ташкил этилган эди. Афсуски, уни юқоридаги хаблар билан солиштириб бўлмайди. Ҳозирги ҳолатда у рақобатбардош эмас. Чунки бу ерда қатор тизимли муаммолар мавжуд. Биринчидан, тарифлар жуда баланд.

Логистика маркази жозибадорлигини оширишда Навоий эркин иқтисодий зонаси катта аҳамиятга эга бўлиши керак эди. Бироқ бу ҳам кутилган натижани бермади. Унда на юқори қўшимча қийматли экспортбоп товарлар, на ички бозор учун харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Хорижий юк ташувчи субъектларнинг Навоий логистика маркази имкониятларидан фойдаланишга қизиқмаётганининг яна бир муҳим сабаби авиакеросин етказиб беришда узилишлар мавжудлиги. Бу турдаги ёқилғига бугунги кунда ҳафталик эҳтиёж 950 тонна эканига қарамай, нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан атиги 600 тонна ажратилмоқда.

Транспорт компаниялари мувофиқлаштиришни таъминланмагани сабабли мультимодал ташиш ҳам ривожланмай қолган. Божхона тартиб-таомиллари узоқ давом этиши ва транспорт воситалари чегарада бекор туриб қолиши оқибатида юк етказиб бериш муддати чўзилиб кетмоқда.

Маҳаллий импортчиларда ҳам ўз юкларини Навоий хаби орқали қабул қилиб олишга қизиқиш йўқ. Чунки инфратузилма талаб даражасида ривожланмаган. Импорт юкларнинг аксарияти Тошкент аэропорти орқали кириб келмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда, Президентимиз нефть-газ тармоғи мутасаддиларига миллий авиакомпания ва бошқа хорижий юк ташувчиларнинг авиакеросинга эҳтиёжини ўз вақтида ва 100 фоиз таъминлаш, ҳафталик ёқилғи етказиб беришни ошириш, бунда жаҳон бозоридаги нарх-навони инобатга олиб иш тутиш юзасидан топшириқлар берди. Лекин бу топшириқ ҳали тўла бажарилмаяпти.

Баъзи мутараққий давлатлар охирги йилларда иқтисодда протекционизм сиёсатини юритаётган бўлса-да, амалда дунё иқтисодиётида глобаллашув жараёни секинлашгани йўқ. Дунё бозорида катта ўзгаришлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақамизнинг рўй бераётган ўзгаришларга тайёр бўлишини талаб этади. Дунё ҳамжамиятида мавқеи ўсиб бораётган Хитой, Ҳиндистон каби давлатларнинг глобал иқтисоддаги ўрни ҳам ошмоқда. Минтақамизнинг Осиёни Европа билан боғлаган муҳим транспорт коридори марказида экани биз учун ҳам чорлов, ҳам имкониятдир. “Бир макон, бир йўл” каби лойиҳалар ҳамкорлар билан биргаликда инфратузилмамизни яхшилашга, транспорт ва логистикага алоқадор бир қанча соҳаларни ривожлантиришга имконият, шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун рақобатбардошликни оширишда синов бўлади.

Мамлакатимиз транспорт-транзит салоҳиятини ривожлантириш, уни халқаро транспорт хабига айлантириш, Марказий Осиё орқали ўтадиган халқаро транспорт йўлакларининг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур. Бу таклифлар, аввало, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида халқаро ташкилотлар, халқаро молиявий тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилиши керак. Шунингдек, минтақанинг транспорт-транзит салоҳиятини янада такомиллаштириш саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур.

Бундан ташқари, Марказий Осиёда қўшимча юк ташиш имконини берадиган янги транспорт ва транзит йўлакларини шакллантириш, транспорт ва логистика соҳасида кадрлар тайёрлаш, халқаро логистика марказлари тармоғини яратиш, хорижий портлардан самарали фойдаланиш услубларини шакллантириш, муҳим транзит йўл бўлиб хизмат қиладиган ягона интеграциялашган хабни яратиш масалалари ҳам минтақамиз учун долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда транспорт логистикаси соҳасининг институционал базаси ва меъёрий-ҳуқуқий асослари йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Жумладан, темир йўл, ҳаво, дарё транспорти, метро ва йўл иншоотларини ривожлантириш борасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ҳукумат органи сифатида Транспорт вазирлиги ташкил этилди. Президентнинг бу ҳақдаги 2019 йил 1 февралдаги фармонига кўра, 2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юкларни ташиш бўйича ташқи савдо йўналишларини диверсификация қилишнинг комплекс дастури қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг транспорт тизимини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Бугун дунёда транспорт ва логистикага оид рақамли хизматлар жадал ривожланяпти. Ушбу тенденцияни ҳисобга олган ҳолда, Марказий Осиё мамлакатларининг автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти тизимларида ахборот технологиялари, рақамли маркетинг хизматларини жорий этиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий транспорт-коммуникация тизимини шакллантириш, транспорт ва логистика соҳаларида янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишга доир саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш юзасидан узоқ муддатли ва кўп томонлама ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратишга катта ҳисса қўшади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида республика ҳудуди орқали транзит юкларни ташиш ҳажмини 16 миллион тоннага етказиш, шимолий йўналишда темир йўл орқали юк ташиш муддатларини 40 фоиз қисқартириш, йўловчи ва юк ташиш хизматлари ҳажмини 3 баробар ошириш, электрлашган темир йўллар улушини 65 фоизга етказиш белгиланган. Шунингдек, авиақатновлар сонини 4 баробар ошириш, 56 минг километр йўл қуриш, таъмирлаш, темир йўл, ҳаво йўллари транспортида йўловчи ва юк ташиш хизматлари тарифлари шаклланишида бозор тамойилларига ўтиш ҳамда соҳага хусусий ва хорижий операторларни жалб этиш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, туман марказларидан қишлоқ аҳоли пунктларигача жами 5,5 минг километр цемент-бетон қопламали йўллар, Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Фарғона водийси йўналишларида давлат-хусусий шериклик асосида автомобиль йўллари қурилади. Шаҳар ва туманлар жамоат транспорти билан тўлиқ қамраб олинади, янги автобуслар сони 5 мингтага ва электробуслар сони 2 мингтага етказилади. Тошкент — Самарқанд, Самарқанд — Навоий — Бухоро йўналишларида янги темир йўллар қурилади, тезюрар поездларда йўловчи ташиш сони 2,5 баробар кўпайтирилади, самарадорлиги паст бўлган ҳудудий аэропортлар давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилинади ва ишончли бошқарувга берилади. Зотан, хориж бандаргоҳларига чиқиш мақсадида Марказий Осиёнинг транспорт-транзит имкониятларини кенгайтириш бўйича янги келишилган қарорларни ишлаб чиқиш минтақа учун муҳим ва долзарбдир.




---

## Рақамли технологиялар

**Бугун рақамли технология кириб бормаган соҳа қолмади. Усиз турмуш тарзимизни тасаввур қилиш қийин. Барча соҳалар ривожи ITга боғлиқлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис, юртимизда мазкур йўналишни тараққий эттириш, зарур инфратузилмани яратиш, малакали кадрларни тайёрлаш устувор мақсадга айланган.**

# КЕЛАЖАК КАСБИ

## кам пул сарфлаб, юқори даромад олиш манбаи




— Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, барча давлат идоралари ўз йўналишлари бўйича “E-qaror”, “Электрон поликлиника”, “Электрон кундалик”, “Шаффоф қурилиш”, “Болалар боғчаси” электрон тизимларига уланди, — дейди Рақамли технологиялар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий сектор бошлиғи Тимур Баекеев. — Ушбу тизимларнинг жорий этилиши туфайли биргина таълим, соғлиқни сақлаш, қурилиш ҳамда мактабгача таълим соҳаларида қоғозбозликларга чек қўйилиб, барча жараёнлар шаффоф ва автоматлаштирилган тарзда амалга оширилмоқда.

Энг қувонарлиси, корхона ва ташкилотлар томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг 555 тури my.gov.uz ягона давлат интерактив хизматлар портали орқали электрон кўринишга ўтказилиши коррупцияга йўл қўйилмасдан уйда ўтириб, мобиль телефон ёки компьютер ёрдамида олиш имконини яратди.

— Оролбўйида ахборот технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида 2023 йил давомида 4,7 минг километр шиша толали алоқа линиялари қурилиб, умумий узунлиги 17,8 минг километрга етказилди. Шунингдек, замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда телекоммуникация станциялари сони 311 та ва телефон қурилмаларининг умумий абонентлар сиғими 264,5 мингтага етди, — дейди Тимур Баекеев. — Шунингдек, мактаб, боғча, маҳалла каби ижтимоий соҳа биноларига шиша толали алоқа линиялари тортилиб, юқори тезликдаги интернет билан таъминланди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Беш муҳим ташаббус”нинг учинчи ташаббуси ижросини таъминлаш, яъни аҳоли, жумладан, ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва глобал ахборот тармоғидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Қорақалпоғистон бўйича жами 17 та рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилди. Ушбу марказларда ўтган йил давомида 4915 тингловчи ўқув курсларини тугатди. Бундан ташқари, марказларда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган 1009 фуқаро “Компьютер саводхонлиги”, “График дизайн” ва “Мобиль дастурлаш” курсларида бепул ўқитилди.

— Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга алоҳида эътибори туфайли айни йўналиш жадал тараққий этмоқда, — дейди IT парк Қорақалпоғистон Республикаси филиали бош мутахассиси Мирас Шамуратов. — Бугунги кунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси IT резидентлари сони 39 тага етди. Улар томонидан 7,7 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди ва 2022 йилга нисбатан 4 баробар кўпайди. Хорижий давлатларга аутсорсинг хизматларини кўрсатиш маркази (BPO) Мўйноқ ва Беруний туманларида ташкил этилди. Шунинг натижасида 400 минг долларлик IT экспорти амалга оширилди. Ахборот технологиялари кундан-кунга ривожланиб, фрилансерларга эҳтиёж ортмоқда. Ушбу соҳада кўплаб ёшлар ўзини ўзи банд қилаётир. Айни пайтда уларнинг сони 2120 нафарга етди. Барча имтиёзларни ўзида жам қилган “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикасида 131 093 ёш рўйхатдан ўтган, шундан 65 485 нафар битирувчи сертификатга эга бўлди. Шунингдек, ушбу лойиҳанинг давоми бўлган “Курсера” платформаси орқали 15 мингдан ортиқ навқирон авлод вакиллари рўйхатдан ўтиб, сертификатлар олди.

IT соҳаси бўйича муваффақиятли иш олиб бораётган қорақалпоғистонлик ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. “Нupo” компанияси директори ва асосчиси Бекназар Абдикамолов бугунги кунда Сингапур ва Қозоғистонда фаолият олиб боради. Азиз Муртазаев эса ушбу компаниянинг сениор дастурчиси бўлиб ишлайди. Атабек Муртазаев эса Австралиянинг “Healthengine” компанияси дастурчиси. Даврон Ачилов “Synergy effect” компаниясида ишлайди.

— IT — келажак касби. Кам пул сарфлаб, юқори даромад олиш мумкин. Шунингдек, давлат бошқаруви соҳасида рақамлаштиришни қўллаш, ортиқча вақт талаб қиладиган қоғозбозликни камайтириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этишда бу соҳани ривожлантиришнинг аҳамияти катта. Энг муҳими, IT соҳаси халқимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиб, турмушини фаровон қилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Аманбай Оринбаев Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида ёшлар билан бўлиб ўтган учрашув чоғида.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда IT соҳаси ривожи ва илғор технологияларни фаоллаштириш, уни изчил юксалтириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, аниқ қадамлар қўйилмоқда. Бу эса келажакда рақобатбардош билимдонларнинг тарбияланишига, уларнинг интеллектуал салоҳияти ошишига хизмат қилади.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
***“Янги Ўзбекистон” мухбири***

## Муносабат



# УЛУҒВОР ИШЛАР

## давомийлиги билан хайрлидир



**Меҳрибон АБДУРАҲМОНОВА,**
*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилоят бўлими раҳбари*

**Ҳар гал Президентимизнинг чиқишларини жон қулоғим билан эшитаман. Чунки бундай учрашувларда кўтарилган масалаларнинг барчаси юрт равнақи, халқ фаровонлиги, ёшлар бахт-саодатига қаратилган оламшумул янгиланишлар ҳақида бўлади. Шахсан ўзим бундай онлайн учрашувлардан бир олам таассурот билан эзгу ишлар сари қанот боғлаб чиқаман. Кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилади.**

Ўтган йил 22 декабрь санасида ўтказилган Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидан ҳам шундай таассуротлар билан чиқдим. Чунки давлатимиз раҳбари маънавият ҳақида гапирар экан, маънавиятнинг энг олдинги сафида борадиган байроқдорлар — шоир ва ёзувчиларни алоҳида меҳр билан тилга олди.

Зеро, маънавиятнинг барча тармоқлари АДАБИЁТ аталмиш чашма атрофида туташади. Санъаткор қўшиқ куйласа, сўзини шоир ёзади. Матбаачи китоб тайёрласа, унинг асоси — ёзувчи ва шоир томонидан тафтиш этилган инсон қалбининг жилвалари. Театр томошалари ҳам драматургнинг ижодий меҳнати маҳсули бўлмиш асарлар билан тугал маъно касб этади.

Ушбу тарихий учрашувда Президентимиз Республика ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинарининг илк ташкил этилиш тарихига тўхталди. Ўн йилдан ортиқ вақт фаолият кўрсатган семинарнинг орада айнан Зоминда ўтказилишига қаршиликлар бўлгани ва ўн йил “Зомин мактаби”, деб эътироф этилган анжуманнинг тўхтатиб қўйилгани ҳақидаги гаплари мени ҳам олис хотираларга бошлади.

Илк бор 1997 йилда ўша пайтда Жиззах вилояти ҳокими лавозимида ишлаган Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ёш ижодкорларнинг Зомин семинари ташкил этилди. Ёш ижодкор сифатида семинарда мен ҳам иштирок этдим. Зомин тоғларининг улуғворлиги, шарқираб оқаётган зилол сувларининг тиниқлиги, жўшқинлиги ёш ижодкор юрагига ҳам кўчгандай бўлди. Зомин илҳомлари янгидан-янги асарлар яратилишига замин тайёрлади. Устозлардан оқ фотиҳа олган кўплаб ёшлар катта адабиёт сари ишонч билан одимлади. Семинарда устозларнинг қимматли фикрларидан баҳраманд бўлиб, маҳорат дарсларини тинглаб, асл адабиёт нима, ижодкор ким, унинг адабиёт, эл-юрт, Ватан олдидаги бурч ва вазифалари нималардан иборат, деган саволларнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаш имкониятига эга бўлди.

Ўтган йиллар давомида “Зомин мактаби” деб ном олган мазкур адабиёт гулшанида кўплаб ижодкор ёшлар кашф этилдики, улар бугун ўзбек адабиётида ўз овози ва ўз ўрнига эга шоиру ёзувчилар қаторидан жой олиб улгурди.

Ўша қутлуғ кунларда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов мени табриклаб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тавсия этгани ҳамон қалбимни ҳаяжонга солади.

Афсуски, орада бир неча йил ушбу мактаб фаолияти тўхтатиб қўйилди. Қанча-қанча ёш ижодкорлар учун бу даргоҳ, бунда ўтадиган ёшлик ва нафосат байрами армон бўлиб қолди.

Не бахтки, 2017 йилда Зомин семинари Президентимизнинг қўллаб-қувватлови билан қайта ташкил этилгани мамлакатимиз ижод аҳлини беҳад қувонтирди. Зеро, ҳар қандай улуғвор ишлар ўзининг давомийлиги билан хайрлидир.

Йигирма йил ўтиб, ёш ижодкорлар семинарида яна қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Бу гал устозлар сафида, мезбон бўлиб — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилоят бўлими раҳбари сифатида иштирок этдим. Мен бундан қанчалар бахтиёр бўлганимни сўз билан таърифлаб беролмайман.

Отам тарих ва сиёсат илмини чуқур эгаллаган ҳақиқий педагог эди. Бир умр мактаб директори вазифасида ишласа-да, обрўси ҳокимларникидан асло кам эмас эди, назаримда. Валинеъматим 1991 йил 1 августда вафот этди. Роппа-роса бир ойдан сўнг мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинди. Бу улуғ кунни кўриш отамга насиб қилмади.

Сиёсат одами эмасми, телевизорда кўрсатилаётган сиёсий тадбирлар рус тилида олиб борилар ва бундан отам жуда хуноб бўлар эди. “Ўзбекистонда яшаб, ўзбек бўла туриб, ўзганинг тилида гапириш, иш юритиш — адолатсизлик”, деган норозиликларини тушунсам-да, бу ҳолат табиийдек туюларди. Қанчалар билими кучли бўлмасин, ёшларимиз “катта оға”нинг тилида эркин сўзлаша олмаса, билими ва истеъдоди юзага чиқмаслигидан ўкинар эди. Кейин газетада ўқиб чиқиб, мушоҳада қиларди. Отам туфайли дунё мамлакатлари, уларнинг ўрни, халқи ҳақидаги тушунчаларимиз теран эди. Дунё давлатларининг пойтахтлари ва давлат раҳбарларини номма-ном санаб бера олар эдик. Уйимизда бир кутубхонани тўлдирадиган китоб ва журналлар тахлами бизнинг билимларимизни бойитишнинг энг мақбул воситаси бўлган.

Мен нега отам ҳақида гапиряпман?

Баъзан мустақиллик бизга нима берди, деган иддаоли гапларни эшитиб қолсам, отам раҳматлининг ўзга тилда ўтказилаётган сиёсий йиғилишларни хуноб бўлиб тинглаб ўтиргани ёдимга тушади.

Мустақиллик бизга ўз тилимизда гапириш, давлат сиёсатига молик қарорларни ўз она тилимизда қабул қилиш, дунёга ўзбек тилида юзланиш имконини, ўзлигимизни англаш саодатини берди.



Афсус, отам шу кунларни кўрмади. “Ота, мана сиз кутган кунлар ҳам келди”, деб суюнчи олгим келади. Миллат, халқ, Ватан манфаати, деб молию жонини аямаган жадид боболар ёди юрагимни ўртайди...

Кенгаш йиғилишида ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилди:

— Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари иш ҳақига 50 фоизгача устама қўшиб берилиши;

— Ўзбек тили бўйича халқаро фан олимпиадаси ўтказилиши, ғолиб ва совриндорлари пул мукофоти билан тақдирланиши;

— Ўзбек филологияси йўналиши бўйича талабалар давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши каби долзарб вазифалар белгиланди.

Дарҳақиқат, инсоннинг инсонийлигини белгилаб берувчи энг асосий мезон — бу маърифат. Ёзувчи ва шоирлар ўз асарлари билан инсонлар қалбига эзгулик зиёсини сочгувчи истеъдод эгалари сифатида бугунги кунда қадр-қиммат топаётгани айни ҳақиқат.

Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида бу ҳақиқат янги босқичга кўтарилаётгани хабари биз каби ижод аҳлига ижодий қувват ва куч бағишлади.

2023 йил ҳаётимда муҳим янгиликлар йили бўлди, десам, муболаға бўлмайди. Ўтган йили Рамазон ойида муқаддас Умра сафарига бориш, Байтуллоҳни тавоф қилиш бахтига муяссар бўлдим. Умримда биринчи марта чет элга чиқдим. Турли миллат ва элат вакиллари билан ёнма-ён Умра амалларини бажардим.

Саудия Арабистонининг Жидда шаҳри аэропортига тушганимизда илк рўпара келган ҳабаш йигит соф ўзбек тилида бизга мурожаат қилди:

— Сим карта сотаман. Нархи ўн беш минг сўм...

Бўйи икки метр келадиган ҳабаш йигитга қувонч билан қарадик. У ҳам бизга жилмайиб қўйди.

Кейин араб миллатига мансуб сотувчи йигитлар ҳам қийналиб бўлса-да, ўзбекча гапиришга ҳаракат қилаётганининг гувоҳи бўлдим. Ана шундай сотувчи араб йигитларидан бири харид қилаётсам, нима деди денг?..

— Ўзбек яхши одам, жуда яхши одам, бошқаси бўмайди, — деди у ўзбекчада қийналиб-қийналиб.

Юртдошлар! Не бахтки, дунё бугун ўзбекча гапиришга чоғланяпти...



*Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.*

## Давлат дастури — амалда

# Бепул тиббий ёрдам

## Бу имтиёздан кимлар фойдаланяпти?

**Бугун соғлиқни сақлаш соҳасини илғор ёндашувлар асосида ислоҳ қилиш, халқаро андозалар даражасида тиббий хизмат кўрсатадиган тизимни барпо этиш, айниқса, тиббиётнинг бирламчи бўғинида касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш борасида сезиларли қадамлар қўйилмоқда.**

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонун билан белгилаш вазифаси юклатилган.

Сир эмас, илгари бирламчи тиббий санитария муассасаларида оилавий шифокор қабулига келган аксарият беморлар қўлига дори-дармон рецепти ёзиб берилар, бу ҳолат сурункали касаллиги бор ва шошилинч тиббий ёрдамга муҳтожларга, моддий имконияти чекланган оилаларга турли қийинчиликлар туғдирарди. Соҳада тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги, оммабоплигини ошириш борасидаги амалий ишлар натижасида бундай ҳолатларга барҳам берилди. Оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар, кўп тармоқли марказий поликлиникалар, туман, шаҳар марказий шифохоналари ва туғуруқхоналарда кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми рўйхати белгиланди. Жумладан, тиббиёт муассасаларида кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми рўйхатига оилавий шифокор пунктида ташкил этилган кундузги стационарда тиббий ёрдам кўрсатиш, болаларни бошқарилувчи инфекцияларга қарши эмлаш, аҳолини профилактик кўрик ва скрининг текширувларидан ўтказиш, сурункали касалликлари бор аҳолини мунтазам кузатувга олиш, вена ичига, мушак орасига, тери остига инъекция қилиш каби бир қатор бепул хизматлар киритилган. Шунингдек, юракнинг гипертинсив касаллиги, юрак сурункали ишемик хасталиги, ўткир ва сурункали бронхит, сурункали гепатитлар, диффуз бўқоқ, бронхиал астма, атопик астма, ўт-тош касаллиги, эпилепсия бўйича мақсадли даволаш кабилар рўйхатдан ўрин эгаллаган. Бундан ташқари, дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатида аналептик, аллергия, қандли диабет, гижжа ва вирусларга қарши ҳамда юрак-қон томир дори воситалари, антибиотиклар, антидепрессантлар, тиббий бинтлар, инфузион системалар каби тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмида назарда тутилган кўплаб перепарат ва тиббий буюмлар ҳам бор. Мазкур рўйхатга мувофиқ, жами 520 та ташхис, 28 та диагностик текширув, 46 та лаборатор таҳлил, 235 турдаги дори воситалари, 27 та оператив даво ҳамда 76 та тиббий буюм беморларга давлат ҳисобидан бепул тақдим этилади.

Дори воситалари тиббий кўрсатмаларга асосан оилавий шифокорлар томонидан бериладиган рецепт ҳамда тор соҳа мутахассисларининг тавсиясига кўра белгиланган ҳажмда берилади. Тиббий воситалар оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар, кўп тармоқли марказий поликлиникалар, туман, шаҳар марказий шифохоналари ва туғуруқхоналарда шакллантирилган касалликлар рўйхатига кўра тасдиқланган клиник протокол ва даволаш диагностика стандартлари асосида шакллантирилган.

— Шу кунгача оилавий ҳамда марказий кўп тармоқли поликлиникаларда 97 хил дори воситаси мавжуд эди, — дейди Тошкент шаҳар Юнусобод тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Шоира Абдусатторова. — Бугунги кунга келиб, ушбу дори воситалари рўйхати 235 тага етди. Айни пайтда туманимизда 77 нафар гемодиализга муҳтож бемор диспансер назоратида туради. Улар илгари зарур дорини ўз маблағи ҳисобидан олган. Айни пайтда гемодиализга муҳтож фуқаролар ойига бир марта, салкам 1,5-2 миллион сўмлик дори воситаларини давлатимиз томонидан бепул олиши мумкин.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 15-оилавий поликлиника бўлим мудири Гулнора Дадабоеванинг айтишича, поликлиника 45 мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатади. Беморларга қўйилган ташхис бўйича дори воситалари тақсимоти рўйхати шакллантирилган. Диспансер назоратида турувчи 6738 беморга 122 хил бепул дори-дармон тарқатилади. Гемодиализ олаётган тўрт бемор белгиланган стандарт бўйича зарур дори-дармон билан таъминланмоқда.

Шунингдек, сурункали касалликка чалинган беморларга зарур дори-дармон мунтазам етказиб беришга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, улар электрон рецепт асосида дориларни жамғарма билан шартнома тузган дорихоналардан бепул олиш имкониятига эга. Бемор ўзига яқин дорихонадан дори-дармонни оилавий шифокорнинг электрон рецепти асосида олиши мумкин. Поликлиника ва дорихоналар ўртасида тузилган шартномага кўра, артериал гипертония, юрак ишемик касаллиги, қандли диабетнинг 2-тури, бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари билан оғриган беморларни амбулатор даволаш учун дори-дармон бепул бериб келинаётир.

— 15-оилавий поликлиникада онкологик касаллик билан рўйхатда тураман, — дейди Сағбон кўчасида яшовчи Адиба Ҳайдарова. — Онкологик дорилар қимматлиги боис, олаётган нафақам етмайди. Зарур дори-дармонларнинг поликлиникадан бепул берилиши эса мендаги бу муаммога катта ечим бўлди. Агар поликлиникадан бу дорилар бепул берилмаганда, мен анча қийналиб қолардим. Бу эса саломатлигимга янада салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Гулнора Хўжаева Қорақамиш даҳасида яшайди. Мана, олти йилдирки, у қон босими ошишидан шикоят қилади.

— Юрагимда безовталик бор, — дейди Г.Хўжаева. — Келиним ҳомиладор, унинг соғлом фарзанд дунёга келтириши учун соғлом овқатланишига, витаминлар истеъмол қилишига жиддий эътибор қаратишимиз керак. Боз устига, қизимнинг саломатлигида муаммолар бор. Оилавий бюджети яхшилар учун бу маблағ арзимасдек туюлар, бироқ бизнинг дорихонага бир кириб-чиқишимиз учун анча пул керак. Керакли дори-дармон поликлиникамиз томонидан бепул берилиши оиламизга катта ёрдам бўляпти.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Тиббиётнинг бирламчи тизимида амалга оширилаётган бу каби ижобий ўзгаришлар аҳоли орасида энг кўп тарқалган ва эрта ўлимнинг асосий сабаби бўлган касалликларни барвақт аниқлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга замин яратади.

**Рисолат МАДИЕВА,**
***“Янги Ўзбекистон” мухбири***

## Юксалиш палласи

# БОБОМНИНГ ҒОЯСИ БИЗНИНГ ЮТУҚ БЎЛДИ

**Паҳлавон ҒУЛОМОВ,**
***Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси***

**2023 йил мен учун жуда муваффақиятли бўлди. Республикамизда сув иншоотлари тарихи ва Финляндия таълим тизими афзалликларига бағишланган мақолаларим, сувни тозалаш технологияси ва тарихига оид рисолам нашр этилиши жуда қувончли эди. Йил давомида йигирмадан ортиқ лойиҳа ишлаб чиқдим. Айни пайтда яна 8 та лойиҳа устида ишлаяпман.**



Яқинда Дубай шаҳрида “Zayed barqarorlik mukofoti” лойиҳасидаги иштирокимиз ҳаётимдаги энг унутилмас воқеалардан бири бўлиб қолади. Мазкур нуфузли тадбирда мактабимизнинг 11-синф ўқувчиси Саидазиз Абдужалилов иккимиз қатнашдик.

2008 йилда таъсис қилинган бу лойиҳа БААнинг барқарорлик ва инсонпарварлик мажбуриятлари бўйича кашшоф глобал мукофоти саналади. Лойиҳага ўтган йилда иштирок этиш учун 5 мингдан ортиқ ариза келиб тушган. Улар ичидан финал босқичига чиққан 33 та ариза танлаб олинди. Иштирокчилар соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат, энергия, сув, иқлим, шунингдек, глобал ўрта мактаблар бўйича қатор ишланмалар тақдим этди. Мазкур лойиҳалар бир-биридан қизиқарли ва муҳим эди.

Иштирокчиларда ҳаяжон, ғалабага бўлган шижоат, қатъият яққол кўзга ташланиб турди. Уларнинг тақдимотида сайёрамизни ҳимоя қилувчи, инсоният ҳаётини яхши ўзанга буриб юборувчи, иқлим ва иқтисодий тараққиётга туртки бўладиган ажойиб ечимлар ўрин олган.

Бизнинг ёмғир сувини қайта ишлаб, аҳоли эҳтиёжлари учун фойдаланишга қаратилган лойиҳамиз тақдимоти иштирокчилар ва ҳакамларда катта қизиқиш уйғотди. Қувонарлиси, Европа ҳамда Марказий Осиё давлатларидан танлаб олинган 3 та лойиҳадан бири сифатида эътироф этилди. Бу биз учун жуда ҳаяжонли жараён бўлди, меҳнатимизнинг эътироф этилишидан руҳланиб кетдик.

Муваффақиятга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бу ютуқ замирида ҳам изланиш, ўқиш, ўрганиш, ўз устида ишлаш, дангасаликни енгиш алоҳида ўрин тутади. Энг муҳими, билим олишимиз учун яратилган тўкис шароит ва имкониятлар ғалабалар сари ундади.

Баҳор фасли эди. Мактабимиз директори “Zayed barqarorlik mukofoti” лойиҳаси ҳақида гапирганда бобомнинг ёмғир тозалаш тизими чизмаси ёдимга тушди. Мен шу чизмани такомиллаштиришим керак эди. Биз таълим олаётган Президент мактабида ҳар бир изланиш қўллаб-қувватланади. Бундан фойдаланиб, Саидазиз билан шу лойиҳани ривожлантириш устида ишладик.

Ёмғир жуда тез ёққанда ер сувни шимишга улгурмай қолиши мумкин. Мақсадимиз ёмғир сувини йиғиб, уни фильтрдан ўтказиб, аҳоли эҳтиёжига йўналтиришни йўлга қўйиш.

Бу сувни барча соҳаларда ишлатиш мумкин. Ундан фақат ичимлик сув сифатида фойдаланиб бўлмайди.

Лойиҳа мақсадини тушунтириб берувчи видеоролик суратга олдик. Биз катта ишонч билан ҳаракат қилдик ва хато қилишдан қўрқмадик. Зеро, ҳар қандай хато тажриба бўлишини тушунардик.

Янги ўқув йили бошида лойиҳамиз “Zayed barqarorlik mukofoti”да ғолиб бўлганини, Дубай шаҳридаги тадбирда иштирок этишимизни айтишганида бошимиз кўкка етди. Айниқса, бориб келиш, яшаш, меҳмонхона харажатлари молиялаштирилишини эшитиб, қувончимиз икки карра ошди.

“Zayed barqarorlik mukofoti” тадбирлари жуда шукуҳли ўтди. У ерда мен кўплаб янги дўстлар орттирдим. Буюк Британия, Ҳиндистон, Бангладеш, Хитой, Марокаш, Аргентина, Перу, Покистон, Германия ва Хорватиядан келган ёшлар билан ўтган вақтим жуда самарали бўлди. Қизиқишларимиз, изланишларимиз ҳақида ўртоқлашдик, маълумот алмашдик. Масалан, уларнинг ўзлари таҳсил олаётган мактабга шаффоф қуёш панелларини ўрнатмоқчилиги, шаҳар кўчаларидаги чироқлар нурини қайта тақсимлайдиган лойиҳалари, асалариларни сақлаб қолиш технологиялари жуда қизиқарли экан. Эътиборга молик ана шундай кўплаб лойиҳалар орасида биз кучли учталикдан ўрин олганимиз ҳаётимдаги ёрқин воқеликлардан биридир.

2024 йилда ушбу изланишларимни давом эттирмоқчиман. Бу йўлда турли тўсиқ ва қийинчиликлар бўлиши табиий. Бироқ устозларимиз тўсиқлардан мардонавор ўта олган ва ўз мақсади сари фақат ва фақат олға қадам ташлайдиган инсон ҳаётда доим муваффақият қозонишини таъкидлайди. Бу маслаҳатларга амал қилиб, зафар қучишимизга ишонаман.

**Менга туркий халқлар тили ва ўзига хос талаффузи жуда ёқади. Таржима жараёнида билдимки, жадидлар ўз асарларида илгари сурган ғоялар бугунги кунимиз учун ҳам ниҳоятда долзарбдир.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 9 январь, 5-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

## Адабий жараён

**“Шахсан мени луғавий сўзлар эмас, балки ўзбек тилининг синтаксиси ёки сўзлар тартиби кўпроқ қизиқтиради. Она тили инглиз тили бўлган мендек одам учун ўзбек тилининг сўзлар тартибини ўрганиб олиш жуда қийин бўлган ва бу мени нафақат гапларни бошқача ифодалашга, балки мен кузатган дунё ва гаплашган одамларга бошқача нуқтаи назардан қарашга мажбур қилади. Ўзбекчада гапирсам, ўзимни бошқа одамдек ҳис қиламан. Бу тилда ўзига хос гўзаллик бор”, дейди америкалик таржимон, Мичиган университети докторанти, профессор Кристофер ФОРТ.**

— Алишер Навоийнинг вафот этганига беш юз йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамай, унинг сўзлари ва келтирган далиллари ҳали ҳам ўз исботини топмоқда. Биз, албатта, глобаллашаётган дунёда яшаймиз. Ўзбек тилига қараганда жаҳон бўйлаб кенг тарқалган тиллар — масалан, инглиз, француз, рус ё хитой тили кўпроқ ижтимоий ҳаракатчанлик имкониятини беради. Тарих ва мустамлакачилик натижалари шу — тақдирга тан беришга тўғри келади. Аммо бу замонавий факт Алишер Навоий меросига зиён етказа олмайди, чунки у ижод қилган турк тили ва ҳозирги ўзбек тили ўзига хос ҳусн ва жозибага эга.

Самни қўшаётганимдан бахтиёрман. Ишонаманки, ҳозирги замон Ўзбекистон ёшлари мутафаккир боболари меросидан ғурурланади ва уларни дунёга тарқатишдан ифтихор қилади.

**— 2018 йилнинг августида Тошкентда ўтган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам иштирок этиб, нутқ сўзлаган эдингиз. Ўша вақтда Чўлпон ижодидаги эстетик қарашлар сизни ниҳоятда қизиқтирган. Шундай эмасми?**



# Кристофер ФОРТ: “ЎЗБЕК ТИЛИ — ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА КАТТА ҲИССА ҚЎШГАН БУЮК ТИЛ”

**Олим суҳбатимизни 2023 йил ниҳоясида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” халқаро конференцияси ҳақидаги мулоҳазалар билан бошлашни истади.**

— Халқаро нуфузли анжуман мен кўришни истаган кўплаб олим ва тадқиқотчиларни жамлаганидан хурсандман. Бу ерда кўплаб туркий халқлар олимлари билан танишдим, уларнинг маърузаларини биргаликда муҳокама қилиш бахтига мушарраф бўлдим. Жумладан, Абай номидаги Қозоқ миллий педагогика университети тарих фанлари доктори, академик Мамбет Койгелдиев, Эге университети профессори Явуз Акпина, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Шуҳрат Ризаев, Токио университети профессори Хисао Коматсу ўқиган маърузалар менда жуда катта таассурот қолдирди.

Мен Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг қарашлари ва ижоди ҳақида маъруза тайёрладим. Ҳамза, аслида, большевик бўлмаган, уни большевиклаштиришган. Агар сўзимга эътироз қилмоқчи бўлсангиз, унинг ижодини яхшилаб ўрганинг. У, асосан, жадидлар ғоясини тарғиб қилган. Мен конференциядаги мунозаралар майдонида жадид Маржоний номини кашф қилдим. Шунингдек, суҳбатдошларим менга таржималарим борасидаги саволлар билан мурожаат қилди. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи, “Замона хотини” пьесаси, Исажон Султоннинг “Алишер Навоий”, “Боқий дарбадар” романлари, Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасини инглиз тилига ўгирганман. Менга туркий халқлар тили ва ўзига хос талаффузи жуда ёқади. Таржима жараёнида билдимки, жадидлар ўз асарларида илгари сурган ғоялар бугунги кунимиз учун ҳам ниҳоятда долзарбдир.

**— Жаноб Кристофер, ўзбек тилини ўрганишингизга нима туртки бўлган? Бугунги кунда ушбу тил Шарқу ғарб давлатлари, жумладан, Америка ва Европада қай даражада ўрганилмоқда?**

— Яқинда миллий маънавий тараққиёт масалаларига бағишланган йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев ўзбек тили тарғиботи борасида эътиборга молик мулоҳазаларни ўртага ташлагани ҳақида эшитдим. Бу саъй-ҳаракатлар бежиз эмас. Мен 2009 йилда ўзбекчани ўрганишга киришган бўлсам, шу жараёнда хорижликлар ўзбек тилини ўрганиши учун сифатли қўлланмалар жуда камлигига гувоҳ бўлганман. Ўзбекистонда тил ҳақидаги қонун қабул қилинганига анча бўлган. Хўш, ўтган давр мобайнида хорижзабонларга ўзбек тилини ўргатиш учун мўлжалланган нечта қўлланма ё луғат яратилди? Айни пайтда ўзбек адабиётшунослари томонидан эски ўзбек тили ва инглиз тили луғати тайёрлаш бошланганини эшитиб, хурсанд бўлдим. Мана шундай бир шароитда ҳам ўзбек тилига, Алишер Навоий асарларига меҳр қўя олган хорижлик тилшунос ва адабиётшуносларнинг сони тобора ортиб бораётгани қувонарлидир. Венгриялик олим Бенедик Пери, Туркиянинг Амасия университети ректори, профессор Метин Орбай, швециялик навоийшунос олим Шафиқа Ёрқин, Жанубий Кореянинг Пусан чет тиллар университети профессори Азамат Акбар кабиларнинг мақолаларини ўқиганимда улар Навоий ўз ижоди, бадииятининг қудрати билан жаҳон адабиёти ривожига катта таъсир кўрсатгани, унинг бебаҳо маънавий, илмий, бадиий ва маданий-тарихий асарлари бутун инсониятнинг мероси эканини эътироф этганига гувоҳ бўлганман.



**— “Ўзбек тили XXI асрда” мақолангизда “Мовароуннаҳрда турк тилида биринчи бўлиб ёзмаган бўлса ҳам Алишер Навоий эски ўзбек тилининг бобоси унвонини олган, чунки у биринчи бўлиб турк тилида яхши асарлар ёзган. У “Муҳокамат ул-луғатайн”даги сон-саноқсиз гўзал байтлари билан турк тилининг ҳусни форс тилиникига нафақат тенг, балки айрим жиҳатларда устун чиқади, деб исбот қилган”, дея таъкидлагансиз. Келинг, ана шу устун жиҳатларга мисол тариқасида ўз мулоҳазаларингизни айтиб ўтсангиз…**

Ўзбек тилининг ўзига хослиги ҳақида сўз борганда, кўп муаллифлар тилнинг луғатидаги дурларни кўрсатиб ўтади. Масалан, “завол” сўзи бошқа тилларда йўқ. Мабодо “завол” ҳақида айтилмаса, ўзбек тилининг беназир мақоллари тўғрисида гапирилади. Яна бир бор такрорлайман, шахсан мени луғавий сўзлар эмас, балки ўзбек тилининг синтаксиси ёки сўзлар тартиби кўпроқ қизиқтиради. Бу тилда ўзига хос гўзаллик бор.

Ўзбек тилининг синтаксисдаги ҳусни мен учун субъектив ҳиссиёт ҳамдир. Тилдаги сўзлар тартиби қулоққа ёқадиган симметрик куй тузади. Бирон гап “мен”дан бошланса “ман” билан тугайди, “сен”дан эса “сан” билан тугайди ва ҳоказо. Бу табиий симметриядан ўзбекчада ҳар бир гапда тўлалик ё туғаллик ҳисси бор.

Ҳазрат Навоий бу хушоҳангликни шубҳасиз сезган бўлса керак, чунки ушбу ўзига хос овоз унинг туркий тилдаги ғазал ва рубоийларида бетакрор ифодаланади. Улуғ мутафаккирнинг ворислари, жумладан, мен шуғулланадиган ва асарларини инглиз тилига таржима қилаётган XX аср ўзбек адиблари ўз аждоди меросидан тўла фойдаланган.

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романини инглиз тилига ўгиришга бел боғлаганимда романнинг биринчи сўзларини ўқишим билан унинг ўзбек тилига хос усули мени ўзига мафтун қилиб қўйган. Чўлпон ҳам худди буюк бобоси Навоийдек ўзбек тилининг ўзига хос ифода қилиш имкониятларини тўла тарзда кашф этади. “Кеча ва кундуз” романининг кўзга ташланадиган ажойиб истиораларидан бири мана бу: *“Ой ҳали чиқмаган: фақат кечанинг қоронғисига ўчакишган саноқсиз юлдузлар тепада туриб машъалларини ёндирганлар, худди пешона олдида кўринган энг ёруғ бир юлдуз пиёз тўғраб ётган келинчакнинг кўзларидай пирпираб ёнарди”*. Албатта, бошқа халқларда ҳам пиёз тўғраш кўз ёшига сабаб бўлиши маълум, аммо бу истиора ўзбек оилаларидаги муносабатни очиб беради ва шу заҳотиёқ Марказий Осиёдаги маданий ҳаётнинг ўзига хос жиҳатини ифодалайди.

Глобаллашув жараёнига қарамай, ўзбек тили жаҳон тамаддуни тарихига ўз ҳиссасини қўшган тил бўлган ва бўлади. Ўзбек тилининг бадиий сўз усталари — Навоий ва Чўлпондек алломалар жаҳон бўйлаб донг таратишга лойиқ. Мен таржимон бўлиб, уларнинг номини дунёга танитишда ўз ҳис-




— Тўғри айтасиз. Инсон ахлоқини безовчи, гўзаллаштирувчи омиллардан бири эстетик тарбиядир. Бу тарбияни олган инсон ҳаёт, табиат гўзалликларидан завқланади, гулларга, қушларга, барча жонзотларга меҳр-шафқат билан қарайди, адабиётни, мусиқани, тасвирий санъатни нозик тушунади. Қайғули, фожиали ҳодисалардан ҳам сабоқ олади, руҳи покланади. Арасту “Поэтика” асарида трагедия санъатидан эстетик завқ олган томошабиннинг руҳий покланишини юнонча “катарсис” деб атайди. Бундан эстетик тарбия инсон хулқини нафосат билан безаши, эстетик идеални шакллантириши ҳақидаги мушоҳадалар қадимги юнон файласуфларининг ҳам диққат марказида бўлгани англашилади. Чўлпон ижодидаги эстетик қарашлар борасида бир неча ўзбек тадқиқотчилари илмий изланишлар олиб борган.

Мен “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” деб номланган халқаро конференцияда филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримнинг маърузасини ҳам зўр қизиқиш билан тингладим. Жумладан, тадқиқотчи шундай дейди: “Чўлпоннинг ижодини ўз замонасидаги ижтимоий-сиёсий ҳодисалар фонида талқин қилиш ўринли бўлади. Унинг дастлабки асарларида жадидона кайфият, илм-маърифатга тарғиб кучли. Кейинчалик Туркистон мухторияти эълон қилинган бир паллада у:

*Туркистонлик — шонимиз,*<br>
*Туронлик — унвонимиз,*<br>
*Ватан — бизнинг жонимиз,*<br>
*Фидо ўлсун қонимиз!*<br>
*Бизлар темир жонлимиз!*<br>
*Шавкатлимиз, шонлимиз!*<br>
*Номусли, виждонлимиз!*<br>
*Қайнаган турк қонлимиз!*

деб қувончини ёзди. Бироқ бу шодиёна онлар кўпга чўзилмади. Чоризм қиёфасидаги мустамлакачиларнинг номи ўзгарганини кўнгил кўзи очиқ зиёлилар, жумладан, Чўлпон ва унга мансуб адабий авлод жуда яхши англади. Шу боис, улар тенглик, адолат, ҳурлик “оғизда эмас, амалда бўлсин”, деган фикрни матбуотда бaралла айтди. Бу авлод ҳуррият орзуси билан яшади, ижод қилди, озодликни қўмсади, тенгликни соғинди. Уларнинг ишқ-муҳаббати негизида ҳам озодлик орзуси бор эди. “Қаландардек юриб дунёни” кезган шоир Чўлпон жамиятдан ўзи истаган нарсасини топа билмади ва “қайғулар, аламлар бир-ла” ўзига қайтди, ўкинчлар билан “ерга ботди”.

**— Келажакда ўзбек адабиётининг яна қайси намуналарини таржима қилиш ниятингиз бор?**

— Айни пайтда ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар” асари устида ишлаяпман. Мен таржимон, тадқиқотчи сифатида бу бадиий асарнинг моҳиятини, тарихий аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қиляпман. Кўплаб ўзбек мунаққидлари ва ёзувчилари қайд этишича, адиб босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам, ижод йўли ҳам виждон йўли бўлган. У сўнгги нафасигача миллат дарди билан яшагани, шу боис, унга жуда оғир бўлгани ҳақида кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирилган. Мамлакатда тоза фикрлайдиган одамлар камайиб кетгани, шулар ҳам иқтидорини янги ҳақиқат излашга эмас, эскиларини такрорлашга сарф айлаганига қарамай, Абдулла Қаҳҳор доимо озод фикр, янги ҳақиқатлар учун — ёлғизланиш, танқиду таъқибларни писанд қилмасдан курашган экан. Ёзувчининг ижодий нафасидан номардлик, ҳар қандай ғирромлик титраган, тубанлик ўзини панага тортган, дейишади.

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул ўзининг “Абдулла Қаҳҳор жасорати” номли эссесида ёзади: *“Константин Станиславскийнинг “Санъатдаги ҳаётим” китобида Л. Толстой ҳақида айтилган бундай бир гап бор: “Унинг ҳаётлигида биз Толстой билан бир замонда яшаш қандай бахт, дер эдик. Юрагимиз ғамғуссага тўлиб-тошганда, ҳаётда қийналганда ёки кишилар кўзимизга йиртқич бўлиб кўринганда Ясная Полянада Толстой бор-ку, деган фикр билан ўзимизга тасалли берардик”*.

Абдулла Қаҳҳор тириклигида ўзбек зиёлиларида ҳам шундай бир қаноат ва тасалли бор эди. Лекин ишончим комилки, бизнинг Абдулла Қаҳҳордек беназир ёзувчимиз бўлган, у ўзининг боқий асарлари ва ўлмас жасорати ила доимо биз билан бирга яшаётир, деган ғурур-ифтихор туйғуси бугун ҳам ижод аҳлининг маҳзун қалбига умид ва жасорат бағишлаб туради. Албатта, шундай жасоратли ижодкор асари устида ишлаш менга ҳам ғурур ва фахр бағишлайди.

Мен инглиз тадқиқотчиси сифатида ўзбек ёзувчисининг ҳикояларини кузатар эканман, беихтиёр кўҳна Қўқон кўчаларини кезаман. Бу чанг кўчаларда бўлиб ўтган ҳар бир воқеликни маҳоратли адиб кўзгусидан томоша қилиш жуда мароқли. Айниқса, унинг халқ мақолларидан усталик билан фойдалангани эътиборга молик. Ҳар бир мақолда ишлатилган қадим сўзлар маъноси ва ёзувчининг ўзига хос топқирлик билан тасвирлаган аччиқ ва рангин ифодалари катта бир тадқиқот учун бой архивдир, десам адашмаган бўламан. Энг муҳими, бу қиссадаги эртаклар ҳаётий эртаклардир. Ўтмишнинг ноёб бир парчасидир. Уни қалб микроскопи билан жонлантирган, бадиий кўзгуда акс эттирган ижодкорга таҳсин ўқимай иложингиз йўқ.

**— Қизиқарли ва мароқли суҳбатингиз, ўзбек тили ва адабиётига юксак ҳурматингиз учун сизга ташаккур, жаноб Кристофер. Қолаверса, бизнинг миллий меросимизни халқаро миқёсда кенг тарғиб этишдек олижаноб фаолиятингизга муваффақиятлар тилаймиз.**

***“Янги Ўзбекистон” мухбири Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА суҳбатлашди.***

## Ифтихор




# Рақибимга ҳеч қачон беэътибор бўлмайман

*Шерзод ПОЁНОВ, эркин кураш бўйича спорт устаси*

**Илк бор спорт билан шуғулланишни бошлаганимда 9 ёшда эдим. У вақтлар Олимпиада спорт турлари ёшлар ўртасида унчалик оммалашмаганди. Шу сабаб бўлса керак, эркин кураш билан шуғулланиб кетишим осон кечмаган.**

Шаҳрисабз шаҳридаги спорт мактабида сафдошларимиз озчилик эди. Бошида ўзим ҳам бу спорт турига кўникиб кетишим анча қийин бўлганди. Ҳар куни дадам қўлимдан етаклаб, залга олиб келарди. Машғулот якунига қадар ўзи кузатиб, доим далда бўларди. Устозимиз Бахтиёр ака Убайдуллаев ҳам ҳар бир шогирди билан алоҳида ишлашга ҳаракат қиларди. Бирор усулни токи ўзлаштириб олгунимизга қадар эринмасдан ўргатарди. Айниқса, доим олдинга интилишга, мақсад сари дадил ҳаракат қилишга ундаб, бизни руҳлантирарди. Дангасалик қилишимизга ўрин қолдирмасди. Унинг маҳорати билан спортга қизиқиб қолганимизни сезмай ҳам қолганмиз.

Ёдимда, спорт мажмуамизда биринчи бор кичик мусобақа ташкил этилди. Ўшанда тўрт тенгдошимни мағлубиятга учратгандим. Бундан анча муддат ғурурланиб юрганман. Кейинги баҳсда болаларча мағрур бўлиб, рақибларимни унчалик назарга илмадим. Афсуски, биринчи дақиқадаёқ мағлуб бўлдим. Кўпчилик менга чемпионга қарагандек қарагани боис, ўзимни анча кучли деб хаёл қилиб юрган эканман. Бу енгилишим ўта таъсир қилди. Тушкунликка тушиб, курашгим келмай қолди. Шу пайтда тажрибали устознинг ажойиб ўгитлари, берган насиҳатлари натижасида яна спортга қайтганман. Шу воқеадан сўнг ҳеч қачон рақибга беэътибор бўлмайман.

Кейинчалик туман ва вилоят биринчиликларида қатнашдим. Шоҳсупанинг юқори поғоналарини забт этиб, мамлакат миқёсида ўтказиладиган чемпионатларда ҳам иштирок этишни бошладим. Ҳозирга қадар ўз вазним бўйича ўн марта Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Спорт ортидан дунё кездим. Элликка яқин халқаро турнирда фаол иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни эгалладим. Ҳар сафар олтин медални кўксимга тақишаркан, устозларимнинг қўллаб-қувватлаши, машаққатли меҳнатим ортидан юртимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янграганини эшитиб, ўзбек ўғлони бўлганимдан мамнун бўламан. Нақадар ғурурбахш бу онларни ҳар сафар такрорлашга интиламан.

Айни пайтда эркин кураш бўйича мамлакат терма жамоаси аъзосиман. Устозим Шариф Асадов бошчилигида турли беллашувларда медалларим шодасини ошириб боряпман. 2023 йил мен учун энг омадли бўлди, десам адашмайман. Эркин кураш бўйича яхши натижаларга эришдим. Жумладан, Самарқанд давлат университетига ўқишга кириб, талаба бўлдим. Бундан ташқари, Иорданияда спорт курашлари бўйича U-20 ёш тоифасида ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритдим. Шунингдек, Беларусда МДҲ давлатлари II ўйинларида олтин медалга муносиб кўрилдим. Шунингдек, Қозоғистонда Туркий давлатлар универсиадасида иккинчи ўринни эгалладим.

Албатта, бир йил давомида эришган ютуқларим мени бу йилда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинлари сари яқинлаштирди. Демак, ўтган йилдаги ғалабаларимни янги йилда янада янгилаш учун имконият бор. Энг асосийси, дунё спортчиларининг орзуси бўлган Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, ғолиб бўлишни мақсад қилганман. Орзум амалга ошиши учун доим ҳаракатдаман.

Янги йил барчамиз учун омадли, юксак орзулар амалга ошадиган йил бўлсин. Насиб этса, жорий йилда Олимпиада олтин медали билан барча мени табриклашига эришаман.

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 59.
8848 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 21:15 Топширилди — 23:15